Адолат кучли, куч эса адолатли бўлмоғи лозим

Адолат

1996 йил, 17 февраль, № 7 (46)

◆ ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
◆ СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА
◆ Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон «Адолат» социал — демократик партиясининг газетаси

● *1996 йил — Амир Темур йили*

СОҲИБҚИРОН ДЕЙДИКИ:

Мен ҳаётим мобайнида беш нарсага қатъий эътиқод қўйдим ва ҳамишалиг уларга амал қилдим. Улар ушбулардир:

ОЛЛОҲ — ул ҳар нарсага қодир куч, сидқидилдан сиғинсанг истаган муроду мақсадингга етказади.

ТАФАККУР — фикрлаш ва мушоҳада қобилияти, қуввати ҳафизаси кучли инсон ҳар қандай мушкули мушкулодни осон қилиш йўлини топа олади.

ҚИЛИЧ — ул йигитнинг йўлдоши, эл-юрт осойишталигининг посбони, ҳар қандай душманни маҳф этиш қуроли, анинг қудрати ила динсизларни динга солмоқ мумкин.

ИМОН — ул инсонни барча жонлилардан фарқлантириб тургувчи хусусиятдир. Имонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқнинг ор-номусини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат билади.

КИТОБ (битик) — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 февраль куни республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан танишиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган россиялик журналистларни қабул қилди.

Маълумки, Россия матбуоти вакиллари бир неча кун мобайнида Ўзбекистон вилоятлари ва шаҳарларида бўлиб, мамлакатимизда ислоҳотларнинг бориши, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ўзгаришлар билан яқиндан танишдилар.

Президент Ислом Каримов россиялик журналистларнинг ташрифи, бу ерда ўтказган учрашувлари ҳамда мулоқотлари Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

* * *

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийлари номига муқаддас Рамазон ойи муносабати билан чет эл мамлакатлари Президентлари номидан самимий табрик хатлари келиб турибди.

***

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

***

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тартибини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

***

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» ва шунингдек, «Вазирлар Маҳкамасининг «Фан ва техника соҳасида Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон ССЖ давлат мукофоти тўғрисида» 1991 йил 5 мартдаги 57-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» ҳам қарорлар қабул қилди.

***

● 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар одимлари билан танишиш мақсадида юртимизда меҳмон бўлиб турган бир гуруҳ россиялик журналистлар билан учрашди.

***

● 12 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Н. Исингарин, Қирғизистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Моисеев бошчилигидаги Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари эксперт гуруҳларининг учрашуви бўлди.

***

Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов 14 февраль куни Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришарни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

● *Саноат*

ЙИЛИГА 25 МИЛЛИОН ДОНА

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар заводи тармоқ корхоналари орасида энг йирикларидан бири ҳисобланади. Ўзимизни қўйинг, унинг номини ҳатто Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ҳам яхши билишади. Бу ерда ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эттирган ҳолда технологик жараёнларни янгилаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Олтита янги ишлаб чиқариш линиясини тўла ишга туширгач корхона бир йилда 25 миллион дона лампочка ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Суратларда: корхона сифат назоратчиси Кабира Колбоева маҳсулотларни кўрикдан ўтказмоқда; тайёр маҳсулотни жўнатиш цехида доимо иш авжида.

Равшан НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

● *Акс-садо*

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Мамлакатимиздаги барча банк муассасалари ва суғурта идораларида республика Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ана шу фармонни ижро этиш тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан ишлар қизғин паллага кирди. 15 феврадан фуқароларга «индексация» махсус счётлари очилган омонат дафтарчалари берила бошлади.

Мухбирларимиз жойларда бўлиб, омонатчилар билан суҳбатлашдилар.

Карим САЛОМОВ,
Қарши шаҳридаги 4-ҳунар-техника билим юрти ишчиси:

— Президентимиз Ислом Каримов ҳамда ҳукуматимиз мустақиллик қўлга киритилгандан буён ўзининг халқпарварлик сиёсатини намойиш этиб келмоқда. Одамларнинг банкдаги пулларини индексация қилиш тўғрисидаги Президент Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча эълон қилинган қарори бу фикрни яна бир бор исботлади. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳамдўстлик давлатлари орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб аҳолининг омонатларини индексация қилишга киришди. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланаётганидан далолат беради.

Мен фарзандларим тўйига асқотиб қолар, деган ниятда бир пайтлар «сбербанк»ка пул қўйган эдим. Тўғрисини айтсам, уни олишдан умидимни ўзгандим. Энди умид пайдо бўлди. Адолатни қарор топтираётган республикамиз раҳбариятига раҳмат.

***

Маҳмуд ЯМИНОВ,
Тошкент шаҳри, биолог олим:

— Президент Фармонини эшитиб жуда суюндик. Ахир кўпчилик омонатга пул қўйиб бор-будидан айрилиб қолган эди-да. Аммо ижтимоий адолат тикланишига ишонар эдик. Ёш, мустақил давлатимиз ривожланиш йўлидан дадил бормоқда. Қисқа муддат ичида тез суръатлар билан ўсиб бораётган инфляция жараёни амалда жиловланди, бу эса ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб ана шундай хайрли иш — омонатларни қоплаш имконини берди, деб ўйлайман.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, «эски» омонатларни индексациялаш миқдори омонатчини қониқтирадими? Ҳукуматимиз индексациялаш миқдорини тўрт минг баравар қилиб белгилади. Содда қилиб айтганда, 1992 йилнинг январидан олдин банкада қолиб кетган минг сўмимиз эндиликда тўрт минг сўм қилиб қайтариб бериладиган бўлди. Ана энди ўзингиз ҳисобини чиқариб олаверинг. Менимча, омонатдаги пулларимиз харид қобилиятини сақлаб қолади.

Ҳукуматимиз қабул қилган қарордан мен жуда мамнунман. Ахир бу иш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Катта миқдорда маблағ сарфлаш керак бўлади, ахир.

Халқимизда, омонатга хиёнат қилма, деган гап бор. Қувончлиси — биз қураётган адолатли жамиятда бундай хайрли ва савобли ишлар кўплаб амалга оширилмоқда.

● *Партия ахбороти*

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгашининг V Пленумидан кейинги вақтда амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов ахборот берди.

Шунингдек, мустақилликнинг бешинчи йилида партия олдида турган муҳим вазифалар, партиянинг ички ва ташқи сиёсати масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда партия Марказий аппарати, Сиёсий Кенгаш котибияти ҳамда ҳайъатининг йиғилишларини ўтказиб бориш масаласи кўриб чиқилиб, қилинадиган ишларнинг режалари белгиланди. Йиғилишларнинг кун тартибига киритиладиган масалалар тасдиқланди.

Йиғилишда партиянинг навбатдаги Пленумини чақиришга қарор қилинди.

БИЛДИРИШ

1996 йил 27 февраль куни соат 14.00 да Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг VI-Пленуми ўтказилади. Пленумга партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоят партия Кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари таклиф этилади.

Пленум Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши марказий аппарати биносида, яъни Матбуотчилар кўчаси, 19-уйда бўлиб ўтади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши

ТАБРИКНОМА

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзолари ва партиямизга хайрихоҳ бўлган юртдошларимизга!

Азиз дўстлар! Сизларнинг барчангизни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкил топганлигининг бир йиллиги муносабати билан самимий табриклаймиз!

1995 йилнинг 18 февраль куни ташкил этилган партиямизнинг ўтган бир йиллик фаолияти, уни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, аъзолар сафини кенгайтириш ҳамда халқимиз орасида Низом ва Дастури билан таништириш йили бўлди. Ўтган бир йил давомида партиямиз аъзолари сафи 30 минг нафардан ошди. Республикамизнинг жами вилоятларида ҳамда шаҳар ва туманларида партия кенгашлари тузилиб, ўз фаолиятини давом эттирмоқдалар. Улар ҳозирги кунда аъзоларга вақтинчалик гувоҳномалар бериш, ҳисоб варақаларини очиш ишларини қизғин олиб бормоқдалар. Корхона, ташкилот ва маҳаллаларда бошланғич партия ташкилотлари тузилмоқда.

Хуллас, кўппартиявийлик шароитида бошқа партиялар қатори Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, ислоҳотларни чуқурлаштириш ишига, қонунлар устиворлигини таъминлашга, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ишига муносиб ҳисса қўша бошлади.

Республикамиз мустақиллигининг 5 йиллиги нишонланадиган ушбу йил партиямиз учун асосий ишларни, яъни фуқаролар орасида бошқа партиялар, жамоат ташкилотлари, касаба уюшмалари, Ёшлар Иттифоқи, Фахрийлар кенгашлари билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг келажаги, бугунги кундаги иқтисодий баркамоллигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш йили бўлади.

Шунингдек партиямизнинг халқаро нуфузини ошириш мақсадида бошқа социал-демократик партиялар, бизга ҳамфикр, маслакдош бўлган халқаро жамоат ташкилотлари билан ҳам алоқа йўлга қўйилмоқда. Бу каби ишлар юртимизнинг жаҳонга юз тутишида ўзига хос ҳисса бўлади деган умиддамиз.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизга соғлик-саломатлик, оилангизга тинчлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз. Юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги эзгу ниятларингиз ушалишида омад ёр бўлишига тилакдошмиз.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши.

Абдулла ТУРДИЕВ

ВАТАН БИТТА — ЖОН МУЛКИДА ЎЗБЕКИСТОН БИТТАДИР...

Дунё ичра ўзи дунё — Туронзамин, не бахтким,
Ҳур ниятта фаришталар айтди «Омин!», не бахтким.
Нур чулғади буюк юртнинг субҳи-шомин, не бахтким —
Ватан битта — жон мулкида Ўзбекистон биттадир.

Не-не жангу жадал кўрган — омон-омон ўзбекман,
Эътиқодда — сабот гули, устиворман, ўзбекман.
Сувратимда, сийратимда туташ қошу кўздекман —
Ватан битта — жон мулкида Ўзбекистон биттадир.

Руҳимизда шонли байроқ: «Аввал — Ватан, кейин — жон!»
Жондин ортиқ бу Ватанни севмоқлик эрмас осон.
Туркистоним — ота уйим — шу замин бирла осмон —
Ватан битта — жон мулкида Ўзбекистон биттадир.

Қадим-қадим ҳар қадамда Яссавийнинг руҳи бор,
Пок-иймонли ҳар одамда Яссавийнинг руҳи бор.
Баҳорга йўл — илк бодомда Яссавийнинг руҳи бор
Ватан битта — жон мулкида Ўзбекистон биттадир.

Хуш-муаттар лолазордир — о, Навоий гулшани,
Шу гулшан ичра кўрингай миллатим шавкат-шаъни.
То ҳидоят нури бирлан поклагайман дил, сани —
Ватан битта — жон мулкида Ўзбекистон биттадир.

Амир Темур салтанати ҳаёт янглиғ бардавом,
Қонимизда гупургайдир аждодларга эҳтиром.
Мустақиллик қалъасидир, бўйла, буюк бир Девон —
Ватан битта — жон мулкида Ўзбекистон биттадир.

Неча йиллар маҳв айлади тилимни ғайри забон,
Тор қафасга солди қушдек дилимни ғайри забон.
Энди тўн киймиш оҳорли, не тонгки, улус, замон —
Ватан битта — жон мулкида Ўзбекистон биттадир.

Аллоҳдин ёғди мурувват — Ҳумонинг қанотида,
Йўлга чиқдик биз толиқмас вақтнинг тулпор отида.
Аллоҳ суйган маъно бордир-ки, Абдулло отида —
Ватан битта — жон мулкида Ўзбекистон биттадир!!

Ҳақиқий деҳқон учун йилнинг эрта кечи йўқ. Ҳар бир кун ҳосил тақдирини ҳал қилади. Шу боисдан ҳам Жиззах вилоятининг Арнасой туманидаги «Самарқанд» деҳқон хўжаликлари уюшмаси аъзолари бу йилги ҳосилга замин ҳозирлашга барвақт киришдилар. Бу ерда мавжуд транспорт воситалари янги мавсумга шай этиб қўйилди.

Суратда: «Самарқанд» деҳқон хўжаликлари уюшмаси раиси Холмирза Холбеков трактор саройида таъмирлашдан чиқарилган транспорт воситаларини комиссия аъзолари билан биргаликда кўрикдан ўтказмоқда.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

● *Юртимиз бедарвоза эмас*

КАРВОНЛАР ЎТГАН ЙЎЛДА

Кўҳна ва навқирон Бухоронинг Олот тумани билан ёндош Туркманистон чегарасида бўлсангиз, кичик шаҳарчани кўриб ҳайрон қолишингиз мумкин. Бу ер Марказий Осиё давлатларига олиб борувчи ягона йўл бўлганлиги учун ҳам 1995 йилнинг 25 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Бухоро вилоятининг «Олот» божхонаси мажмуи қурилиши бошланди.

Умумий майдони 5,5 гектардан иборат ушбу мажмуида 31 турдаги иншоотлар қад кўтариши мўлжалланган. Республика Бош божхонаси томонидан ушбу мақсадга 50 миллион сўм пул ажратилиб, айни пайтда энг зарур иншоотлардан 14 таси ишга туширилмоқда. Ноқонуний йўл билан олиб ўтилаётган юклар мусодара қилинганда сақланадиган 2 та омбор, чегарадан ўтувчи ва қайтувчи автомашиналарни кўрикдан ўтказадиган замонавий услубдаги иккита айвон, ёқилғи қуйиш шоҳобчаси, ошхона, меҳмонхона, маъмурий бино, қабул пунктлари ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Қабул пунктларида одамлар тиббий-санитария кўригидан ўтганларидан сўнг компьютер ёнида ўтирган божхона назоратчилари қабулига кирадилар. Улар тўғрисидаги маълумотлар компьютер рўйхатига киритилгандан сўнг, ўзлари ва автомашиналари, юклари тўғрисида республика бош божхонасига ахборот берилади. Шундан сўнг улар ўтишлари лозим бўлган ҳамма божхона бўлинмаларида бу шахслар тўғрисидаги ахборот пайдо бўлади. Ҳозир ишлар мана шу йўсинда бажариляпти. Мабодо Олот божхонасига бориб қолсангиз, бунинг гувоҳи бўласиз. Саҳрода шарқона услубда қад кўтарган кичкина шаҳарча пайдо бўлганлиги ҳам мана шу ишларнинг ҳаётда рўёбга чиққанлиги натижасидир.

Яна бир қулайлик: божхонада вилоят Марказий банкининг пул алмашув шохобчаси ташкил этилган.



«Олот» божхонаси инспектори Тўра Қўшшаев компьютер маълумотларини ўрганмоқда.

Тўғри-да, мабодо чет эл фуқароси ўз пулини Ўзбекистон сўмига хоҳлаган миқдорда алмаштира олса, йўлдан кўнгли тўқ бўлади. Истаган жойида овқатланиб, бирор бир нарса харид қилиши мумкин. Баъзи шахслар йўлда кетаётган чет эл машиналарини тўхтатиб, улардан арзон нархда пул алмаштириб оладилар-да, бозорга чиқариб, икки баровар қимматига сотадилар. Мазкур бўлинма ташкил этилганлиги мана шундай қонунбузарликларнинг олдини олишга катта ёрдам беради.

Бугунги кунда республика иқтисодиётини ривожлантириш учун турли мамлакатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар ва савдо-сотиқ шартномаларининг тузилишига катта йўл очилди. Меҳмонлар, саёҳатчилару ишбилармонларни қучоқ очиб кутиб оляпмиз ва кузатаяпмиз. Лекин уларнинг баъзи бирлари яхши ниятда келсалар, баъзиларининг афсуски, ниятлари ҳайрли эмас...

Божхона хизматини ўтаётганлар Ўзбекистонга келаётган ҳар бир фуқарога алоҳида-алоҳида муносабатда бўлаяптилар, зеро меҳмоннинг илк таассуроти шу ердан, яъни давлат чегараси ва божхонасидан бошланади. Бу ердан бир кунда юзлаб автомашина ўтади. Кўпчилиги Туркия, Покистон, Эрон ва бошқа мамлакатлардандир.

Биз яқинда божхонада бўлганимизда бир нарсага дуч келдик. Чет элдан келаётган машина ҳайдовчилари божхона рўйхатидан ўтибгина қолмай, балки шу ерда ўзларини ва машиналарини суғурта қиладилар ҳам экан. Вилоят суғурта хизмати ходими ушбу шахс республикага қанча муддатга келса, уни шунчага суғурта қилади. Мабодо унинг сафари давомида бирор-бир бахтсиз ҳодиса юз берса, Бухоро вилоят суғурта бошқармаси зарарнинг ўрнини қоплаш чорасини кўради.

Чегарадан ўтадиган ҳар бир юк автомашинаси ва транспорт воситасидан валюта ҳисобида давлат божи олинаяпти. Ушбу пуллар республикамиз йўлларида уларнинг хизмати тугагунча қўриқланиши кафолати ҳамдир. Ўтган йил якуни ҳисоб-китоб қилинганда бир йиллик давлат божи бир неча юз минг АҚШ долларини ташкил этганлиги маълум бўлди.

***

Постдаги хизматчиларнинг мақсади битта — давлат чегарасидан ўтадиган машиналардаги ноқонуний юк, қурол-аслаҳа, гиёҳвандлик моддаларини ушлаб қолиш. Божхона ходимларининг хушёрликлари боис вилоят бўйича бир неча юз жиноий ҳолат қайд этилиб, олди олинган. 2 миллион 723 минг 930 сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноат моллари мусодара қилинган.

Энг ёмони шундаки, баъзи бир шахслар чет элдан юк олиб келиб, бўш кетаётган автомашина ҳайдовчилари билан тил бириктирган ҳолда, мўмай пул ишлаш мақсадида ҳар хил саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ноқонуний расмийлаштириб, чегарадан олиб ўтмоқчи бўладилар.

Мисолларга мурожаат қиламиз: Бухородаги Қоракўл заводи маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё ахтариб овора. Лекин Туркия фуқароси А. О. 850 дона қорамол, 5956 дона қўй терисини Бухородан Туркияга олиб кетаётган пайтда қўлга тушди. Текшириб кўрилганда шу нарса аниқландики, жуда яхши сифатга эга бўлган бу териларга «ностандарт», яъни ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун яроқсиз дея ноқонуний ҳужжат тўғрилашган...

Пахта етиштиришнинг машаққатини Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро жуда яхши билади. Меҳнат қилиб бели оғримаган қаршилик «ишбилармонлар» эса «Қўнғирот-Тошкент» йўналиши бўйича қатнайдиган поездга 2 тонна пахтани яширинча юклаб олиб кетишаётганларида сирлари очилди.

Қонунбузарликларнинг олдини олиш учун вилоят ҳокимлиги ва божхона маъмурияти тинмай изланишда бўлишаяпти. Олотга яқин қўшни Қоракўл туманида катта бир база бўлиб, унинг омборларидан тўла равишда фойдаланилмаётган экан. Шу ерда база ташкил этилиши кўзда тутилаяпти. Ўзбекистон ва қўшни республика фирмалари чет эл фирмалари билан шартнома тузиб, юкларини етказиб беришларини сўраяптилар. Лекин уларнинг ҳар бир соати валюта миқдорида ҳисобланиб, катта миқдорда пул тўлаш лозим. Натижада четдан олиб келинаётган маҳсулотлар йўл харажатининг кўплиги туфайли анча қимматга тушаётир. Ташкил этилиши лозим бўлган ушбу базада эса чет элдан келтирилаётган юклар тушириб қолдирилади ва шартнома тузган корхона келиб, ўз юкини шу ердан олиб кетади. Бу билан корхонанинг чет эл фирмаси хизматлари учун тўлайдиган пули тежалади. Иккинчидан, чет эл машиналари шу ернинг ўзиданоқ келган манзилига қайтиб кетаверадилар.

Ушбу вазифаларни ҳал қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда вилоят божхона хизматчилари эътиборга лойиқ ишларни амалга ошираяптилар. Хизмат бурчлари улардан жаҳон андозалари миқёсида ишлашни талаб қилади. Бевосита хориж билан алоқа қиладиган 58 та давлат корхоналарига давлат қарорларини етказиш мақсадида учрашувлар, савол-жавоблар, лекциялар ўтказиб турилмоқда.

***

Ишга қабул қилинаётган ҳар бир бўлажак божхона хизматчиси махсус синов-тестдан ўтказилади. 9 кишидан иборат ишга қабул қилиш комиссияси тузилган. Тестдан муваффақиятли ўтган шахс 1 ойдан 4 ойгача муддат давомида бошланғич фаолиятини ўзи бириктирилган хизматчи назоратида бажаради. Мабодо мана шу 4 ой давомида ишончни оқламаса, ишга қабул қилинмайди.

Ўтган 1995 йилнинг ўзида 20 нафар ходим ўз ишига лоқайдлик қилганлиги, малакаси етарли бўлмаганлиги ҳамда аттестациядан ўтолмаганлиги боис ишдан бўшатилди. Кечаю кундуз давлат дарвозаларида сергак турган бу қўриқчиларнинг оиласи, фарзандларига ҳам божхона маъмурияти етарли ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Божхона ходимлари ва уларнинг фарзандларига ҳафтада



икки кун бепул тарзда инглиз тилидан дарс ўтилади.

Хизматчилар ўз лавозимларини суиистеъмол қилиб, жиноятга қўл урмасликлари учун бир қатор тадбирлар кўрилмоқда. Улар ойлик иш маошидан ташқари ҳар ой мукофот пули олиб туришади.

Янги қурилаётган «Олот» божхонаси туман марказидан анча йироқлиги туфайли ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Бизнингча, божхонадаги мавжуд электр, алоқа хизмати, ичимлик суви ва бошқалар билан боғлиқ муаммолар комплекс қурилиши тўла равишда топширилгандан сўнг ҳал қилинса керак. Зеро улар нафақат вилоят, балки республика раҳбарияти эътиборида. Марказий Осиёда ягона бўлмиш ушбу божхона комплексининг қурилиши доимо назорат остида.

Қурилиш давом этмоқда. Дўстлик, бирордарлик алоқалари тобора равнақ топмоқда. Энг муҳими, божхоначиларнинг хушёрлиги туфайли кўпгина жиноятларнинг олди олинмоқда. Қўшни мамлакатларнинг йўли қисқариб боряпти. Яхши ниятли тижоратчилар, ишбилармонларга ҳар томонлама ёрдам берилаётир. Йўлларимизнинг равонлиги, божхоначиларимизнинг сергаклиги ва хушмуомалалиги туфайли бозорларимиз кундан-кунга яхши молларга тўлиб-тошяпти.

Буюк Ипак Йўли ўтган Бухоронинг нуфузи ва мавқеи жаҳонга маълум. Катта-катта карвонлар ўтган йўлларни бугун турнақатор автомашиналар тўлдириб турибди. Қадимий йўлларнинг қайтадан очилиши қадриятларимизнинг тикланишига, маънавиятимизнинг янада бойишига хизмат қилади, деган умиддамиз.

Гулнора САМИЕВА,
«Адолат»нинг Бухоро вилояти бўйича ўз мухбири.

Божхона ходими Фурқат Ҳасанов ахборот ва таҳлил гуруҳида компьютерга маълумотлар киритмоқда.

Муаллиф олган суратлар.

• *Интилганга толе ёр*

ИШЧИ РЎЗҒОРИГА БАРАКА КИРДИ

Сўнгги йилларда деҳқончилик-саноат мажмуига қарашли кўпгина корхоналарда кўрсаткичлар йилдан-йилга пасайиб кетмоқда. Уларни хом-ашё билан таъминлашда узилишлар бўляпти. Қолаверса, ишни ташкил этиш тўғри йўлга қўйилмагани оқибатида режалар бажарилмаяпти. Қарор ва тадбирларнинг аксарияти қоғозларда қолаётир. Агар шу каби нуқсонларга тезда барҳам берилмас экан, бир ташвиш эртага икки бўлиши турган гап.

Шулардан бири ёғ-мой ишлаб чиқаришдаги муаммолардир.

Пахта ёғи ва бошқа усимлик мойларисиз қозоннинг қайнашини тасаввур этиш амримаҳол. Бу сингари маҳсулотларни ишлаб чиқариш, халқимизнинг ушбу озиқ-овқат неъматларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш, самарадорликни назорат қилиб бориш вазифаси «Ўзёғмойтамакисаноат» уюшмаси зиммасига юклатилган. Рости, ушбу тизимдаги айрим жамоалар бу каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ва уни шартномага мувофиқ етказиб беришда маълум хатоликларга йўл қўймоқдалар. Биргина Каттақўрғон ёғ-мой корхонаси мисолида, ойнаи жаҳон орқали кўрсатилган «Шаҳар бедарвоза эмас» кўрсатувида қанча меҳнат, харажат эвазига етиштирилган маҳсулотни баъзи бир кимсалар томонидан, қонунсиз йўллар билан олиб кетилаётгани ва у қонун посбонлари томонидан ушлаб қолинганлигининг гувоҳ бўлганмиз. Лекин мана шулар билан бир қаторда, яхши ишлаб, халқимиз насибасини бутун қилаётган жамоалар сони ҳам талайгина.

Яқинда хизмат сафари билан Бухорода бўлганимизда, яна бир бор тадбиркорлик билан иш юритаётган жамоалар ҳаёти билан яқиндан танишдик.

Тадбиркорлик бўлмаса, меҳнатнинг қайси усулини танламанг, самарасиз экан. Бу Бухоро ёғ-экстракция корхонаси фаолиятида яққол кўринди. Ишчи ва хизматчилар корхонани ҳиссадорлик жамиятига айлантирганларига ҳам унча кўп вақт бўлмади. Аммо унинг катта жавобгарлиги бор. Масъулияти шундаки, олинаётган бир сўм фойдани 2 сўмга кўтариш йўлларини топишдан иборат. Шундагина янгилик оммалашади, ташаббускорлар ишбилармонлар сифатида таниладилар. Корхона фаолияти билан обдон танишиш шуни кўрсатдики, ўтган тўрт йилнинг серунум бўлганлиги, бу ерда юз берган ўзгаришлар силсиласи, умуман олганда баракали бўлганлигидан дарак берди.

Эндиликда бозор иқтисодиёти, бозор инфраструктураси ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олиб ишлаб чиқариш муносабатларида ўзининг махсус қонун-қоидаларини киритишга интилмоқда. Бу жараённинг қандай кечаётганлигини Бухоро ёғ-экстракция корхонаси мисолида кўриш мумкин.

Саноат мажмуини қишлоқ хўжалигида етиштирилган хом-ашёсиз тасаввур этиш мушкул. Шу ўринда ҳозир қилинаётган ишларга баҳо беришга аҳд қилган Бухоро ёғ-экстракция корхонаси қишлоқ хўжалигида етиштирилган хом-ашё — чигитни энг аввало чиқитсиз қайта ишлашда ижобий натижаларни қўлга киритди. Натижада вилоят аҳолиси ёғ-мой маҳсулотларига, чорва моллари эса имкон борича озуқага бўлган талаб-эҳтиёж тўла қондирилди. Бу кўрсаткични рақамлар билан ифодаласак, корхона аҳолига ҳар йили 13-14 минг тонна ёғ маҳсулотлари, қарийб 40-45 минг тонна шрот, 24 минг тонна шелуха ишлаб чиқарилаётганлигини гувоҳи бўламиз. Шунингдек, корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ўтган йилларга нисабатан 87,2 фоиздан ошиб, чигитдан ёғ олиш миқдори 87,3 фоиздан 88,54 фоиз даражасида ўсишга эришилди. Натижада ўтган йил давомида 120 миллион сўмлик маҳсулот сотувга чиқарилиб, режадаги 34,1 миллион сўм ўрнига 57 миллион сўмдан кўпроқ соф фойда олинди.

Корхонада хўжалик юритиш акциядорлар қўлига ўтганлиги ҳам ишлаб чиқаришда имкониятларни янада кенгайтирмоқда. Масалан, чиқарилган акциянинг 31 фоизига корхона ишчилари хўжайин бўлсалар, 51 фоизига давлат, 18 фоизини эса эркин акциялар ташкил қилади. Бу жараённи корхона раҳбари Неъматжон Қиличев ҳам қўйидагича изоҳлайди.

— Ишчиларимиз ўртасида аввал бошида акционерлик жамияти, акцияларнинг мазмуни, даромад (дивидент) тўшунчаси ҳақида тушунтириш ишларини олиб бордик. Натижада ўтган хўжалик йилида бу борада қандай кўрсаткичларга эришганлигимиз аниқ бўлди. Кам эмас, ҳар бир акцияга 1325 сўм даромад (дивидент) чиқди. Бу кўрсаткич жами корхонамиз бўйича 3 миллион 300 минг сўмни ташкил этди.

Хаёлдан аниқ фикр ўтади: фикрнинг аниқлиги шундаки, бу корхонада қилинаётган барча ишлар иқтисодни соғломлаштиришга доир саъй-ҳаракатлар мазмуни, мундарижаси борлигидадир. Ўз-ўзидан маълумки, қилинаётган ишларнинг самараси меҳнаткашларнинг манфаатига боғлиқлигига келиб тақалади. Чунки энг аввало қилинган барча ҳаракатлар ишчиларнинг меҳнатга, умуман ишлаб чиқаришга муносабатини ўзгартириб юборди. Улар нақд пулни кўрди. Ўзининг шахсий фойдасини, рўзғорига барака киритаётганлигининг гувоҳи бўлди.

Яна рақамларга мурожаат қилсак: 1994 йилда корхона биргина сентябрь-декабрь ойларида 30,6 минг тонна чигитни қайта ишлаган бўлса, ўтган йил шу ойларда 35,4 минг тонна чигит қайта ишланиб, ундан 820 тонна кўп ёғ олинди. Бу ишларнинг бош омили корхона маъмурияти ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни мана бу туридан ҳам фойдаланаётганлигини унутмаганлигидир. Масалан, ҳар бир ишловчига қиш бошланиши олдидан 54 килограммдан картошка, 24 килограмм пахта ёғи, шунингдек, гўшт, гуруч, шакар, асал, ун, пиёз сингари маҳсулотлари корхона олган соф фойдаси ҳисобидан бепул тарқатилганлиги имкониятлар даражасини янада оширмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ.

• *Иқтисодиётимизнинг таянч нуқталари*

«ШЎРТАНГАЗ»ДА ЯНГИ ГАЗ

Қашқадарё азалдан ўзининг қатор табиий бойликлари билан машҳур. Айниқса, бу ерда ишлаб турган газ конлари бугунги кунда иқтисодиётимизнинг таянч нуқтаси, мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг муҳим омилига айланиб бўрмоқда. Ана шундай масъулиятли ва шарафли вазифани сидқидилдан адо этиб келаётган «Шўртангаз» газ конлари бошқармасининг ишчан жамоаси республикамиз аҳолисининг «Зангори олов»га бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш йўлида муҳим ишларни амалга оширмоқда. Кўпминг кишилик жамоа ҳаётида яқинда муҳим янгилик рўй берди: табиий газ таркибидан пропан-бутан аралашмасини олиш йўлга қўйилди.

— Биз шу вақтгача табиий газ таркибидан фақат газ конденсатинигина ажратиб олар эдик, — дейди «Шўртангаз» газ конлари бошқармасининг бошлиғи, Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг аъзоси, Олий Мажлис депутати Абдулла Абдуназаров. — Ваҳоланки, унинг таркибида бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар йўқ эмас экан. Уларни ажратиб олишни Шўртанда газ конлари ишга тушганидан буён орзу қилиб келар эдик. Мустақиллик, истиқлол шарофати билан бу ширин хаёллар оддий ҳақиқатга айланди. Бош пудратчи Комил Муродов раҳбарлигидаги «Шўртангаз» саноат, қурилиш-монтаж бошқармасининг қурувчи ва монтажчилари, бошқа қатор қурилиш ташкилотлари жамоаларининг қисқа муддатларда олиб борган катта бунёдкорлик ишлари эвазига бошқармамизда тенги йўқ ноёб қурилма қуриб битказилди. Бу билан табиий газ таркибидан пропан-бутан аралашмасини олишга эришдик. Янгиликнинг муҳим жиҳатлари кўп. Энг аввало у республикамизнинг суюлтирилган газга бўлган мустақиллигини таъминлашда дастлабки қадам бўлди. Бу қурилма ишга туширилгач, табиий газ таркибидан йилига 60 минг тонна пропан-бутан аралашмаси ажратиб олинади ва у республикамиз аҳолиси шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжининг 50 фоизини қондиради...

Янги қурилмани барпо этиш ишлари жадал суратларда, жуда қисқа муддатда адо этилди. «Узбекнефтьгаз» Давлат корпорацияси ва «Узбекнефтьгазқазибчиқариш» давлат хиссадорлик бирлашмаси раҳбарларининг ҳар томонлама кўрсатган амалий ёрдамлари туфайли Қашқадарёда тенги йўқ қурилма қад ростлади. Айни пайтда унинг технологик ускуналарини жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Яқин келажакда «Шўртангаз»да яна учта шундай қурилма ишга туширилади. Бу билан мамлакат аҳолисининг эҳтиёжидан ортган суюлтирилган газ четга ҳам экспорт қилинади.



Рустам ДОСТОН,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси бошлиғи Абдулла Абдуназаров; бошқарманинг марказий бошқарув пултидаги ишлар асосан замонавий электрон ҳисоблаш машиналари орқали амалга оширилади; «Шўртангаз»даги қурилмаларнинг бири.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

• *Ажаб савдолар*

ТОВУҚНИНГ ТУХУМИ ТИЛЛОДАНМИ?

«Уйчи-парранда» акционерлик жамияти (собиқ Уйчи бройлер фабрикаси) илгари товуқ гўшти етиштиришга ихтисослашган эди. Энди корхона янги йўналиш — наслдор товуқларнинг тухумини етиштириш буйича ҳам ишламоқда. Бу маҳсулотнинг дастлабки туркуми Навоий вилояти парранда-боқарларига жўнатилди.

Бир йил бурун молиявий қийинчиликлар туфайли ишлаб чиқариш қувватларидан тула фойдаланилмасди. Маҳаллий ҳокимият органдари фабрикага ёрдамга келишди. Россиядан наслдор товуқларнинг тухуми сотиб олинди. Ҳозир «Уйчи-парранда» акционерлик жамияти жамоаси йил охирига қадар тўла қувват билан ишлашга ўтиш, республикада парранда наслини яхшилаш ва тўлдириш учун парҳез гўшт ва тухум ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида. Жамият раиси Собиржон Норбоевнинг гапига қараганда, корхонада йилига уч миллион дона тухум ишлаб чиқариш имконияти бор. Уларнинг кўпчилиги жўжа очиш учун қўйилади. Акционерлик жамиятининг паррандачилик фабрикаси савдо тармоқларига 200 тонна парҳез гўшти етказиб бермоқчи.

Хуллас, қийинчилик билан бўлса-да, уйчиликлар оғир аҳволдан қутулиб олишди. Афсуски, «Косонсой-парранда» жамияти акционерлари ҳақида бундай деб бўлмайди. Бу ерга ҳам Россиядан тухум олиб келинган. Мутахассислар яхши натижаларни кутмоқда. Бироқ аввал корхона қарзларидан қутулиб олиши керак. Бугунги кунда унинг қарзи 10 миллион сўмдан ошиб кетган...

«Наманган-парранда» акционерлик жамиятидаги аҳвол бундан ҳам баттар. Юқорида тилга олинган корхоналардан фарқли ўлароқ, бу ерда фақат тухум етиштирилади. Фабрика вилоят марказидан узоқроқда, Иттифоқ қишлоғида жойлашган бўлиб, қишлоқнинг барча катта ёшдаги аҳолиси унинг ишчиси ҳисобланади. Бироқ корхона ҳувиллаб ётибди: жамоа муддатсиз таътилга чиқариб юборилган. Маблағ етишмаяпти. Яхшиям, миллионлик қарзлари йўқ...

Аҳвол тўбдан ўзгармас экан, Наманган вилоятида тухум ишлаб чиқариш кейинги бир неча йил мобайнидаги каби ўта паст даражада қолаверади. Ўтган йили вилоятда тухум ишлаб чиқариш топшириғи ўндан бирига бажарилган эди, холос. Шундай экан, вилоят марказида тухумнинг нархи осмонга чиқиб кетганига ажабланишга ҳожат борми?

Ёки ҳақиқатан ҳам Наманган товуқлари тўғаётган тухумлар олтинданми?

Н. ХЎЖАЕВА

ЮК ЖЎНАТИЛДИ-Ю, АММО...

Ўтган йили Сурхондарё вилоятида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг талайгина қисми Россияга жўнатилди. Тузилган шартномаларга мувофиқ унинг эвазига саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ҳамда аҳоли эҳтиёжи учун зарур моллар олиб келинди. Рўйхатга олинган 137 та шартнома асосан бажарилди. Вилоятга 177 миллион сўмликдан кўпроқ товар келтирилди.

Аммо айрим корхона ва савдо ташкилотлари раҳбарлари, кичик корхона ва фирма эгалари орасида ўз чўнтагини кўзлаб иш юритганлари ҳам учради. Вилоят божхона бошқармаси рўйхатга олинган шартномалар қандай бажарилаётгани билан танишиб, 16 нафар мансабдор шахс ва 3 та корхона томонидан божхона қонунлари бузилганини аниқлади. Улардан 369,3 минг сўм жарима ундирилди. Айни вақтда 11 та шартноманинг муддати ўтиб кетгани ва шулар ҳисобига вилоятга салкам 11,5 миллион сўмлик маҳсулот келтирилмагани маълум бўлди. Шартнома қоидаларини бузган 11 кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Афсуски, бундай мисоллар кўп. Деновдаги «Савоб» ҳиссадорлик жамияти 1995 йилда республикадан ташқаридаги турли фирма ва корхоналар билан шартномалар тузиб, уларга умумий қиймати қарийб 108 минг АҚШ доллари бўлган бино ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатган. Эвазига эса ҳозиргача бирон нарса келтирилган эмас. Термиз шаҳридаги «Чори» кичик корхонаси ҳокимлик рухсатномаси билан Россиядаги «Вечерняя звезда» деган корхона билан автошина, электрод, ёғоч келтириш тўғрисида шартнома тузди. Шартномага биноан корхона у ерга салкам 2 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатди. Маҳсулотлар кетишга кетди-ю, ўрнига ҳеч вақо келмади. Олтинсой туманидаги «Содиқбобо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раҳбари Ш. Турдиев ҳам қарийб 3 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотини изсиз йўқотиб юборди.

Айрим раҳбарлар вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шерикларига жўнатиб, орадан маълум вақт ўтгандан сўнг «Юборган маҳсулот манзилга етмай ириб-чириб кетди» деб чиқим актлари тузмоқда.

Эндиликда қингир йўллар билан бойлик орттиришга уринган барча кишилар қилмишига яраша жавоб бермоқда. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ҳокимлик ва тегишли ташкилот раҳбарлари қўплаб миқдордаги маҳсулотларни четга чиқаришга рухсатнома беришаётганда бунинг оқибатини ўйлашганмикан?

Чори ТЎХТАЕВ.

Ҳалқаро ҳаёт

• ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ СИНОВИ

Сенатор Роберт Доул республикачилар партияси вакили сифатида АҚШ Президентлигига номзодлик ҳуқуқини қўлга киритди. Айова штатида мазкур партия фаоллари ўтказган мажлисда у кўпчилик овозини олди. Ушбу штатда анъанага айланган овоз бериш номзодларнинг кучини синаб кўришдаги дастлабки синовдир.

Кўрсатилган 9 нафар номзод ичида Р. Доулга сайловчиларнинг 26 фоизи овоз беришди. Бироқ Р. Доулнинг талабаси аввал тахмин қилингандек у қадар ишонарли бўлиб чиқмади. Унинг асосий рақиби — сиёсий шарҳловчи Патрик Бьюкенен кутилмаганда 23 фоиз овоз олди.

Энди барча эътибор 20 февралда Нью-Гэмпшир штатида бўлиб ўтадиган бошланғич сайловга қаратилган. Шу куни республикачилар партиясидан ким Президентликка ўз номзодини кўрсатиши маълум бўлади.

Ўз навбатида, демократлар орасида хотиржамлик сақланмоқда. Чунки, ҳозирги Президент Билл Клинтон партия ичида юз берадиган курашларсиз яна бир бор президентликка ўз номзодини кўрсатиши тайин.

• ҲИКМАТЁРНИНГ ПОКИСТОНГА МУРОЖААТИ

Афғонистон Ислом партияси йўлбошчиси Гулбиддин Ҳикматёр Покистон ҳукуматига мурожаат этиб, Афғонистондаги аҳволни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш бўйича конференция ўтказишга чақирди. Шунингдек, у мазкур анжуманга Покистондаги барча сиёсий гуруҳлар ва Қобул маъмурияти раҳбари Бурҳониддин Раббонийни таклиф этиш лозимлигини таъкидлади.

• ЖАНУБИЙ ХИТОЙ ДЕНГИЗИДА ҲАЛОКАТ

Жанубий Хитой денгизида Хитойга қарашли йўловчи кема чўкиб кетди. Натижада, 9 киши ҳалок бўлган, 30 нафар йўловчи эса бедарак йўқолган. Жами 50 нафар йўловчиси бўлган ушбу кема Шипу бандаргоҳи яқинида тўсатдан чўкиб кетди. Кема капитани фалокат ҳақида хабар беришга зўрга улгурган. Хитой ҳарбий денгиз кучлари кемалари хабарни эшитибоқ ёрдамга шошилган ва бир неча йўловчи ҳамда экипаж аъзоларини қутқарган. Айни пайтда қолган йўловчиларни топиш учун қидирув ишлари олиб борилмоқда.

• ИККИ СЕРБ ЗОБИТИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Босния серблари қўшинларининг икки нафар зобити — генерал Ж. Жукич ва полковник А. Крсманович Босния ҳукумати томонидан ҳибсга олиниб Гаага шаҳрига келтирилди. Улар собиқ Югославиядаги урушда ҳарбий жиноят содир қилганликда гумон қилинмоқда. Бироқ, Гаагадаги халқаро трибунал ҳибсга олишга кўрсатма берган 52 нафар ҳарбий жиноятчи рўйхатида бу икки зобитнинг номлари йўқ. Уларнинг номи ҳатто тергов материалларида ҳам учрамайди. Мутахассисларнинг фикрича, халқаро трибунал уларни ҳибсга олиб бир оз шошилган кўринади.

• БАНГЛАДЕШ ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ЯНГИ БУЮРТМАЛАРИ

Бангладеш ҳарбий денгиз кучлари замонавий жанговар кема сотиб олиш учун халқаро танлов эълон қилди. Кема Саудия Арабистони берган 100 миллион доллар қарз ҳисобига сотиб олинади. Мазкур кема 3 минг тонна сув сиғимига эга бўлиб, душман кемалари, ҳаво ҳужуми ва сув ости кемаларига қарши жанг қилиш учун барча зарур қуроллар билан жиҳозланиши керак. Ҳозир Бангладешда шундай русумдаги тўртта кема мавжуд. Улардан бири Хитойнинг «053 Н1», қолганлари эса Англиянинг «Леопард» ва «Салисбюри» русумидаги жанговар кемалардир.

• *Ҳамкорлик*

«НАПОЛЕОН»ГА ТЕНГЛАШАДИ

Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати юз йиллик тарихга эга. Бу ерда турли хуштаъм шароблар ишлаб чиқаришда йиллар синовидан ўтган азалий технологияларга қатъий амал қилиб келинмоқда. Шу боис комбинат маҳсулотига республикамизда ва Ҳамдўстлик мамлакатларида талаб катта.

Бугун эса жамоа эришилган натижалар билан кифояланмай жаҳон бозорига чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозир комбинатда маҳсулот сифатини янада такомиллаштириш, ичимликни чиройли идишларга қуйиш устида жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Шунинг илк маҳсули сифатида «Афросиёб», «Тиллакори», «Шердор» деб номланган янги коньяклар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Яқинда Франциянинг дунёга машҳур «Наполеон» сингари коньякларини ишлаб чиқарадиган фирмалари вакиллари Самарқандга ташриф буюришганда, комбинатнинг янги маҳсулотлари билан астойдил қизиқиб қолишди. Француз дегустаторлари «Афросиёб», «Шердор» коньяклари ўз таркибига кўра дунё бозорида ҳар қандай аъло ичимликлар билан рақобатлаша олишини таъкидладилар.

Франциянинг «Делепланк И.КО» фирмаси шу ернинг ўзида Ховренко номли вино комбинати билан узаро ҳамкорлик ҳақида шартнома имзолади. Француз ишбилармонлари Самарқанд комбинати учун зарур бўлган янги, мукаммал технологиялар етказиб беришни ўз зиммаларига олдилар.

Комбинатимиз экспорт дастурини тезроқ амалга ошириш учун нафақат французлар балки ҳамдўстлик мамлакатларидаги ҳамкасблари билан ҳам самарали алоқалар урнатмоқдалар, — дейди коньяк цехи бошлиғи Жамшид Қозоқов. — Хусусан, Санкт-Петербургдаги фирмалар бизга 22 хилда чиройли безатилган ёрлиқлар етказиб беришади.

Дарвоқе, комбинат ертўлаларида 40—50 йил ва ҳатто ундан кўпроқ вақтдан буён бир зайлда сақлаб келинаётган ўз таъмига, яратилиши тарихига эга бўлган шароблар бор. Идиш ва ёрлиқлар масаласи ҳал этилгач, бу ичимликлар жаҳон миқёсидаги савдо кўргазмаларида муваффақиятли намойиш этилишига шубҳа йўқ.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири.

• *Тадбиркорлик*

ҲУНАР— ҲУНАРДАН УНАР

Мамлакатимиз азалдан ҳунармандчилик ва косибчилик ривожланган юрт бўлган. Ҳунарманду косиблар қўлида сайқал топган маҳсулотлар доврўғи олам кезган. Қолаверса, ҳунармандчилик маҳсулотларига эҳтиёж ҳамма замонларда ҳам бирдек катта бўлган. Афсуски, яқин ўтмишимизда ҳунарманд ва косибларнинг бозори касодга учради. Бу ўша маҳсулотларга эҳтиёж бўлмай қолганидан эмас, балки якка тартибда ишловчиларга нисбатан таъқиб ўтказилиши, улар фаолиятини чеклаш туфайли бўлди. Ҳамма нарсани давлат ўзи етказиб беришни бўйнига олди. Бора-бора бу ҳолатга барчамиз кўникиб кетдик. Надоматлар бўлсинким, давлат бу вазифаларнинг ҳаммасини уддасидан чиқолмади.

Мамлакатимизда мустақиллик шамоли эса бошлагач, иқтисодиёт масалаларига бугунги кундаги янгича қарашлар, уни соғлом нуқтаи назардан баҳолашлар халқ ҳунармандчилигини тиклаш ва ривожлантириш вазифасини кун тартибига қўйди.

Зеро, тадбиркорлик ва ишбилармонлик иқтисодиётни кўтаришнинг энг зарурий шартлардан эканлиги бугун ҳаммамизга аён бўлиб қолди. Машойихлар «Ҳунар-ҳунардан унар» деб бежиз айтишмаган.

Дўстлик туманидаги «Узбекистон» боғдорчилик ва узумчилик хўжалигида ҳам ўндан ортиқ кичик корхона ишлаб турибди. Яқинда «Фарҳод» мой ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Мусулмон Қаюмов бошчилик қилаётган «Фарҳод» мой тегирмонида ўтган йили узум уруғидан 300 тонна мой ишлаб чиқарилди. Бу мой ошқозон ва ичак касалликларини даволашда муҳим доривор ҳисобланади.

Ёш тадбиркор Қаҳрамон Раҳмонов томонидан бунёд этилган «Қаҳрамон» номли ун ишлаб чиқариш электр тегирмони соатига 300 килограмм ун ишлаб чиқариш қувватига эга. «Қаҳрамон» кичик корхонаси хизматидан нафақат мазкур хўжалик аҳолиси, балки қўшни хўжаликлар, Арнасой, Зафаробод ва Пахтакор туманлари меҳнат аҳли ҳам баҳраманд бўлмоқда. Дўстлик туманида ҳозирги пайтда 40 дан зиёд ун тегирмони ва 5 та шоли оқлаш тегирмони ишлаб турибди.

Бизнингча, бундай кичик корхона-тегирмонлар ҳар бир хўжаликда бўлиши зарур. Чунки, халқнинг дон маҳсулотларига бўлган талаби ошса-ошадики, камаймайди. Зеро, элга-эл қўшиляпти. Янги-янги оилалар пайдо бўляпти. Шундай экан, ҳунарманд кишиларнинг бозори ҳеч қачон касодга учрамайди. Аҳоли оиласидан ортганини бозорга олиб чиқсин. Буюртмалар бўйича иш олиб борсин.

Бир пайтлар ҳар бир қишлоқнинг, ҳатто ҳар бир маҳалланинг ўз темирчиси, ўз бешиксози, ўз тандирчиси, ўз тегирмончиси, хуллас ўз ҳунармандлари бўлган. Улар ўз дуконларига эга бўлиб, бемалол аҳолига хизмат қилаверишган. Бугун биз ўзлигимизни таниб, ўзлигимизга қайтаётган бир жараёнда халқимиз ҳунармандчилиги ҳам бекаму-кўст қад тикламоғи лозим. Халқ ҳунармандчилиги сирлари авлодлардан авлодларга етказилиши ҳам қарз, ҳам фарз.

Бугунги кунда ҳунармандларнинг елкасига офтоб тегди, қули пул кўрди. Бозорларимиз эса ҳунармандчилик маҳсулотларига сероб бўлиб бораяпти.

Турдибой СОЙНАЗАРОВ,
«Адолат»нинг Жиззах вилояти бўйича ўз мухбири.

• *Нон—ризқ-рўз*

СИЗ ШАРҚДАНМИСИЗ?

Нон — ризқу-рўзимиз, миллий ифтихоримиз, тинчлигимиз рамзи, дастурхонимиз кўрки. Биронта ўзбек оиласи йўқки, нонни эъзозламасин. «Нонни қадрлаганни эл-юрт эъзозлайди», — дейди халқимиз. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Мамлакатимизда тандир тўла хилма-хил нонлар ёпилади. Ҳар бирининг ўзига яраша инсон кўнглига малҳам бўла оладиган ўз таъми бор. Мустақиллигимиз шарофати ила юртимизда кезаётган истиқлол шабадаси барча жабҳалар қатори нонвойлик соҳасига ҳам кириб келди. Ўзликни англаш, ҳурликни юрак-юракдан ҳис этиш бу табаррук касб фидойиларини ижодкорликка, бунёдкорликка чорлади. Инсон кийган кийими, тановул қилган таомини ёдан чиқариши мумкин, аммо бир марта татиб кўрган нонинг мазасини ҳеч қачон унута олмайди.

Инсоннинг — комиллиги, инсонлиги авваламбор, нонга бўлган муносабатидан билинади. «Мен Ленинградга (ҳозирда Санкт-Петербург) борганимда, — деб эслайди суҳбатдошим, Ленинград қамали қатнашчиси нуроний Маҳаматжон Комилов одамлар гавжум кўчалардан бирида бир бурда нонни кўриб қолдим. Одатимизга кўра, уни олиб, дарахт бутоғига, одамлар қўли етадиган жойга қистириб қўйдим. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, шу маҳал изма-из келаётган бир рус йигит менга етиб олиб, узр сўраб қўлларимни сиқди: «Сиз шарқданмисиз? Мен уруш боласиман, ёшлигим Узбекистонда ўтган. Нонни ўша ерда сиздек эъзозлайдилар». Қанчалик ғурурланганимни ўшанда доно халқимнинг нонга бўлган муносабатидан билсангиз эди, асти қўяверасиз. Отахонинг рус йигитининг айтган икки оғиз сўзидан фахрланганлари табиий, чунки бу баҳо нафақат, уларга балки бутун миллатимизга берилган баҳо эди.

Ота-оналаримиз нонни эъзозлаш, қадрлаш, айниқса, уволидан қўрқишни болалигимиздан қайта-қайта уқтириб, онгимизга, юрагимизга сингдириб юборадилар.

Нон қадрига етадиган ўзбек халқининг ҳозирги кунда унга нисбатан муносабати яна ҳам ортган. Мустақиллик туфайли заводларда, қишма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган нонлар тури, мазасининг тобора ортаётганлигининг гувоҳимиз. Унинг келажаги қандай? Мухбиримиз очиқ турдаги «Тахтапулон» ҳиссадорлик жамияти раиси Зуҳриддин Эрматов билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Корхонамиз узоқ йиллардан бери халқимизнинг ризқи бўлган нонларни ишлаб чиқаради. У 1937 йилда қурилиб, иш бошлаган. Биз ўтган 1995 йили уни 2 млн. сўм сарфлаб таъмирладик, қувватини оширдик.

— **Ҳозирда чет эллик ҳамкорлар билан қўшма корхоналар қўпайиб бормоқда. Сизлар бу борада қандай ишларни амалга ошираяпсилар?**

— Мустақиллигимиз шарофати ила биз чет эллик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этдик. Улар эл манфаати йўлида хизмат қилмоқда. Масалан, Германиянинг «Винклер» ва Туркиянинг «Экмасан» дастгоҳлари ҳозирда цехларимизда ишлаб турибди. Улар ёрдамида нон дуконларимизда 16 хил, жами бўлиб 30-35 хил нон турини эл дастурхонига тортиқ этмоқдамиз. Тошкент патирлари, ҳар хил баton нони, оби нонлар, туркман чурак нонлари билан бир қаторда парҳезли нонлар ҳисобланмиш жавдар унидан тайёрланган Бородинский нони, Горницкий, Сдоба нонлари, сутли кепакли нонлар шулар жумласидандир. Бу шифобахш, дармон-дори парҳез нонлари қанд, ошқозон-ичак касалликларига даводир.

Биз соф фойдани қўпайтирган ҳолда савдо шаҳобчаларимизга шартнома асосида қадоқланган ҳолда ун, гуруч олиб келиб сотмоқдамиз. Шу билан бир қаторда биз қандолат маҳсулотларидан ҳам кенг қўламда фойдаланмоқдамиз. Бундан кўзланган мақсад соф фойдани қўпайтиришдир.

Мустақил бўлиб, халқимизга тўла-тўкис хизмат қилиш имконияти очилди. Айни вақтда юртимизнинг дастурхонини тўкин қилиш йўлидаги масъулиятимиз кучайди. Бу борада Президентимиз олиб бораётган сиёсатлари биз учун дастуриламалдир, халқимизнинг фаровонлигини оширишда бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз бўлиши керак. Бу йўлда, тўғри, айрим муаммолар ҳам бор, уларни аста-секин бартараф қилмоқдамиз.

— **Ҳозирда ҳар бир мулк ўз эгасининг қўлига ўтмоқда. «Тахтапулон» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан сўнг корхонангизда қандай янгиликлар юз берди? Муаммолар ҳақида ҳам батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.**

— Бизнинг завод 1995 йилнинг август ойидан хусусийлаштирилди. Биз заводимизнинг келажагини ўйлаб, унинг равнақ топишини кўзлаб ўз акцияларимизни чиқаришга мушарраф бўлдик. Чиқарилган акцияларимизнинг фойда келтиришини ишчи-хизматчиларга тушунтириб, кенг тарқатмоқдамиз. Акциямизнинг бошланғич қиймати 500 сўмни ташкил этди. Ҳисоб-китобларга қараганда тарқатилаётган акциямиз ҳар бир ходимимизга 10-15 тадан тўғри келади. 1996 йилда акцияларимизни бутунлай тарқатиб бўламиз. Шундан кейин унинг қадр-қиймати бошқа завод, корхоналар орасида кўтарилиб, фойда беришини кўзда тутганмиз.

Бозор иқтисоди шароитида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмас экан, кўзланган мақсадларга эришиш мушкул. Ҳар қандай шароитда ҳам замон билан ҳамнафас бўлиб иш юритиш бугунги кун талабидир. Буни ҳозирда ҳар бир раҳбар юрак-юракдан ҳис этиши зарур.

Лекин, бизнинг бу ишларимизга иқтисодий тарафдан «Тошснабторг» ҳисоб-китобни тўламаётганлиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шунда ҳам биз шартнома асосида халқ эҳтиёжини қоплаш учун у ерларга ва бошқа жойларга ҳам ўз вақтида нонни етказиб бермоқдамиз.

Гап шундаки, бир қанча чет эллик ҳамкорларимиз билан шартнома тузиб, қўплаб қўшма корхоналар очишимиз мумкин. Шартнома тузиш учун эса аввал улар ишончини қозонишимиз лозим, яъни улардан олинадиган дастгоҳларни замонавий цехларга урнатмоғимиз керак. Шу мақсадда биз шифокорлар шаҳарчасида «Шўъба» шаҳобча корхонаси қурилишини бошлаб юбордик. Ниятимиз қурилиш ишларини тезроқ битказиш. Шунда биринчидан, шу ерлик аҳолидан 40-50 киши иш билан таъминланади, иккинчидан, халқнинг сифатли нонга бўлган эҳтиёжи қондирилади.

Баҳамжиҳатлик, бир-бирига ҳурмат бор жойда ҳар бир ишга масъулият билан ёндошган қарор топган жамоада иш унумли ва самарали бўлади. Биз ўз фаолиятимизда шунга таянамиз.

Бу ҳақда ажойиб бир ривоят ҳам бор. Ака билан ука деҳқончилик қилиб, халқ олдида иззат ва ҳурмат билан яшар экан. Лекин ака суққабош бўлиб, ўзи эса аксинча, серфарзанд экан. Ака укамнинг бола-чақаси кўп, рўзғордан қийналиб қолмасин, деб ҳар кеча укасининг омборига бир қоп бўғдой ташлаб кетар экан. Ука бўлса акамнинг қўнгли ярим, унга, қўмак бўлсин, деган хаёлда ҳар кеча омборига бир қоп бўғдой ташлаб кетар экан.

Шундай аҳиллик билан баракали ҳаёт кечиришар экан. Биз ҳам халқимизнинг баракали ҳаёт кечириши учун ўз меҳнатимизни, маҳоратимизни аямаймиз.

Оқил АБДУАЗИМОВ,
«Адолат»нинг Тошкент шаҳри бўйича ўз мухбири.

• Ёднома

ЎЗИМИЗНИНГ ҒАФУР ҒУЛОМ

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин,
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ ғоғидир умр дафтарин.

Ғафур ҒУЛОМ.



Ғафур Ғулом деганда кўз ўнгимизда ўзбекнинг забардаст халқ шоири гавдаланади. Ғафур ака табиатан хушчақчақ инсон эди. У табиатни жуда севарди. Шунинг учун ҳам уни Тошкентдан 30 чақирим нарида жойлашган икки дарё оралиғидаги сўлим ва гўзал Кавардон қишлоғи жуда мафтун этган эди. Ёз ойлари у ҳамкасб, ижодкор дўстлари билан шу ерда — Кавардонда дам олар, ижод қилардилар. Кенг бедазорларда от миниб, сайр қилиб юрганларини, гоҳида бедана овида иштирок этиб, болалардек қувнаб турганларини кўп бор гувоҳи бўлганмиз. Бизларни ёнларига чақириб олиб, эркалаб қўярдилар, қўлимизга конфет ҳам тутқазардилар.

Ғафур ака Кавардонга тез-тез ташриф буюрар, ҳар келганида янги дўстлар орттириб қайтарди. Кавардонлик Пўлатхўжа бува унинг энг яқин дўсти эди. Пўлатхўжа Сиддиқхўжа ўғли —Сувчининг фарзандлари ҳозир ҳаёт. Қуйидаги ёдномалар уларнинг тилидан ёзиб олинган.

Бугун биз уларни қоғозга қайд қилишни журналистлик бурчимиз деб билдик. Зеро, бундан мақсад, устод академик шоирни яна бир бор эслаб, ҳаётининг очилмаган қирраларини азиз ўқувчига таништиришдир.

ТЎРТКИ

Ёз кунларининг бирида ҳовлимиздаги узум сўриси тагидаги сўлимгина супада Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» китобини ўқиб ўтирардик. Ҳассасини дўқиллатганича эшикдан Мансур бобомиз кириб келди. Биз бир зум китобдан кўз узиб Мансур бобо билан кўришдик.

— Кўп яшанглар ўғилларим, кўп яшанглар, китобда ҳикмат кўп. Хўш, қандай китоб мутолаа қиляпсизлар?

— Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» китобини, — дедик бидирлаб.

— Қайси Ғафур Ғуломнинг? Узимизнинг Ғафуржонними?

— Ия, бобо, ўзимизнинг Ғафуржонними деганингиз нимаси?

Мансур бобо қаҳ-қаҳа уриб кулиб юбордилар. Биз бобомиз не боисдан бунчалар қаҳ-қаҳа уриб кулаётганлигига ажабланиб, ҳайрат билан қараб турардик.

— Эй, болаларим, ахир, ўша сизлар айтаётган катта шоир қишлоғимизга узоқ йиллар келиб-кетиб юрган ўзимизнинг Ғафуржон бўлади-да!

— Бундан чиқди, биз мактаб дарсликларида ўқиб ўрганаётган атоқли адиб Ғафур Ғулом бизнинг қишлоққа келган экан-да?!.

— Ҳа-да, у киши қишлоғимизга келибгина қолмай, ҳатто бир неча ойлаб яшаб, ижод этганлар. Ҳамқишлоғимиз Пулатхўжа ака билан Ғафуржон жуда қалин дўст эди. Пулатхўжа ака ўша кезларда «Сувчи» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзарди. Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат, Элбеклар билан ҳам дўст бўлиб, улар билан тез-тез ижодий алоқада бўлиб турарди. Қишлоғимиз Кавардонга ҳам Ғафуржонни илк бор Пулатхўжа ака олиб келган эдилар.

— Пулатхўжа бува ҳозир ҳаётмилар?

Мансур бобо бошини сарак-сарак қилди: «Эй болаларим, Пулатхўжа акага ўхшаган қанчадан-қанча яхши одамларни баъзи ғаламислар не-не туҳмат балосига дучор қилмадилар. Пулатхўжа аканинг дўстларини қамоққа ола бошлаганда уни ҳам четлаб ўтмадилар. 1933 йил уни ҳам қамоққа олдилар. Пулатхўжа ака шу кетганча қишлоққа қайтиб келмади. Яқинда аллакимдандир Пулатхўжа акани «Гулистон» журналида оқлаб ёзибди деганини эшитиб беҳад хурсанд бўлдим. Ҳақиқат борлигига имон келтирдим.

...Ана шу сизлар мутолаа қилаётган «Шум бола» китобини менга ҳар гал қизим Соҳиба ўқиб берганида, қишлоғимиз кишилари кўз олдимга келади. Шу китобнинг айрим боблари Кавардонда ёзилмаганмикан, деган уй дилимдан ўтади...»

Кўп ўтмай бувимиз Урин момо, сўнг биз учун меҳрибон ва азиз бўлган Мансур бобомиз ҳам оламдан ўтдилар.

Лекин ҳар гал Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» китоби асосида ишланган кинофильмни ойнаи жаҳон орқали кўрганимизда болалик кезларимиз, бобомиз билан бўлган суҳбат хаёлга келар ва атоқли адибнинг ростдан ҳам она қишлоғимиз Кавардонда бўлган-бўлмаганлигига қизиқиш бизни изланишга чорларди...

ТАНИШУВ

1926 йиллар кавардонлик Пулатхўжа Сиддиқхўжа ўғли — Сувчи жумҳуриятимизнинг энг кўзга кўринган ишчи-деҳқон мухбирларидан бири эди. «Қизил Ўзбекистон», «Камбағал деҳқон», «Батрак» газеталари, «Муштум» журнали саҳифаларида унинг турли мақолалари босилиб турарди.

...Бир куни Пулатхўжа ака «Муштум» журналига боради. Абдулла Қодирий ўтирган хона эшигини аста тақиллатади. Ичкаридан: «Кираверинг!» деган овоз эшитилади.

— Ассалому алайкум, домла, — дея хонага бошига дўппи, эгнига ола чопон кийган, қоп-қора мўйловли Пулатхўжа ака кириб келади.

— Ва алайкум ассалом, келсинлар, Сувчи, қадамларига ҳасанот, — дея Қодирий домла ярим ҳазил ила қўл бериб кўришади.

Қодирий домланинг ёнида эса Пулатхўжа ака учун нотаниш бўлган ўрта бўйли, қадди-қомати келишган, чақнаб турган бир ёш йигит ўтирарди.

Абдулла Қодирий бир дақиқали жимликдан сўнг, — «Пулатхўжа, бу йигит ўзимизнинг ўсиб келаётган истеъдодли шоир укаларимиздан — Ғафур Ғулом бўлади», — дея таништирадилар. Бу танишув Пулатхўжа акани Ғафур Ғулом билан дўст ва тутинган ака-ука бўлишга олиб келади.

ПОЙҚАДАМ

1928 йилнинг тароватли ёзида Пулатхўжа Сиддиқхўжа ўғли — Сувчи дўсти Ғафур Ғуломни қишлоқ ҳаёти билан таништириш мақсадида уни она қишлоғи Кавардонга таклиф қилади. Ғафур Ғулом ўзининг бир неча қаламкаш дўстлари билан чанг ва ўнқир-чўнқир йўллардан юриб, Кавардонга кириб келишади. Қишлоқнинг сўлим табиати, мусаффо ҳавоси, шоир табиат одамлари буюк шоирни бутунлай ўзига мафтун қилиб олади. Шу-шу бўлади-ю, Ғафур Ғулом Кавардон қишлоғига тез-тез келадиган бўлади. У ҳар гал Кавардонга келганида қишлоқ ёнидан оқиб ўтадиган Қорасув дарёси бўйларига тушиб ҳордиқ чиқарар, Хонтепа ва Хонимтепа каби тепаликларга чиқиб, Хонариқ бўйларида сайр қиларди. Қишлоқ кишилари билан эса узоқ-узоқ суҳбатлар қуриб мушоиралар ўтказишар эди. Буларнинг барчаси Ғафур Ғуломнинг ижодий фикрлашига туртки берарди...

БИР КЕЛМАДИ

(Пулатхўжа Сиддиқхўжа ўғли Сувчининг синглиси Умринисо ая ҳикояси)

—Мен ўша кезларда Ўрта Осиё бюроси қошида

очилган хотин-қизлар курсида ўқир эдим, — дея ҳикоя қилади ая. — Ана шу вақтларда домла Ғафур Ғулом қаламкаш дўстлари — Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳорлар билан тез-тез Кавардонга келишиб, бизнинг уйда меҳмон бўлишарди. 1929 йилнинг февраль ойида мен хотин-қизлар курсини тугаллаб, йўлланма билан Тошкентдаги САГУ (Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни) қошида очилган икки йиллик курсга ўқишга кирдим. Менда ҳам ўша кезларда журналистикага бўлган ихлос жуда баланд эди. Менинг турли хатлар ва мақолаларим жумҳурият радиосида эълон қилинар, «Қизил Узбекистон», «Ёш ленинчи», «Шарқ ҳақиқати» каби газеталар саҳифаларида тез-тез босилиб турарди.

Бир куни ўқишдан чиқиб уйга келсам, акам Пулатхўжа дардга чалиниб, касал бўлиб ётган эканлар. Дўсти Ғафур Ғуломни сўраб, соғинганидан кўргани келмади-я, деб гина қилган бўлдилар. Ушанда акам Пулатхўжа онамиз номидан дўсти Ғафур Ғуломга ҳазил тариқасида шеърий мактуб йўллаб, уни мендан бериб юборган эди. Шеър шундай ёзилган эди:

Ёру дўст келди, ҳамон Ғафур уканг бир келмади,
Дард чекиб бўлдим ёмон, Ғафур уканг бир келмади,
Сен деган эрдинг укам, Аҳрор ила бўлди икков,
Бўлмади сен ўйлаган, Ғафур уканг бир келмади.
Келмаса ҳам бўлсин омон дўстларингни барчаси,
Энг қадрли ҳам жонажон, Ғафур уканг бир келмади,
Ўйлама қилди ҳазар деб, балким қўли тегмагандир,
Қиш ҳавоси, йўл ёмон, Ғафур уканг бир келмади.

Мен шеърни олиб борган кунимнинг эртасигаёқ, домла Ғафур Ғулом шеърни қўлига олганча, «А, ойи, қиш ҳавоси, ўзингиз биласиз, йўл ёмон-а», — деганча онамиз Савринисо ая олдига кулиб кириб келган эди.

Ҳа, Ғафур Ғулом ана шундай хушчақчақ ва кулгисевар, ажойиб инсон эдилар.

СОВҒА

1930 йилнинг ёзи. Пулатхўжа Сиддиқхўжа ўғли ҳамқишлоқлари Урмон-тегирмончи, Шертай-фирқа, Нормат-бригадир, Нуъмонхўжа-ҳисобчи ва Иван Бондаренко, Тўлаган Рўзиев сингари ёшлар билан Кавардон қишлоғида биринчи «Меҳнат-бирлик» жамоа хўжалигини тузишади. Хўжаликнинг биринчи раиси Пулатхўжа аканинг ўзи бўлади.

Домла Ғафур Ғулом Кавардонга Пулатхўжа ака хонадонига тез-тез келиб турарди. Янги тузилган «Меҳнат-бирлик» кўлхўзи далаларига чиқиб ғўза ривожини кўздан кечирар ва кулхўзчилар билан суҳбатлар қурарди. Булар эса Ғафур Ғуломни янги асарлар ёзишга ундар эди, албатта.

Ана шундай кунларнинг бирида Пулатхўжа аканинг умр йўлдоши Пайзинисо опа ҳовлидаги сўлимгина супада рўмолча тўқиб ўтирарди.

— Пулатхўжа ака, ҳо, Пулатхўжа ака, — деганча домла Ғафур Ғулом дафтар-китобини қўлтиқлаб эшикдан кириб келди.

— Қайним, келинг-келинг, қайси шамол учирди. Бояғина Мунисхон йўл қараётган эди... Бугун меҳмон келаров десам, акангиз Ғафуржон келса керак деган эди? Билмадим, сизни келишингизни қаёқдан биларкин?!.

— Ҳорманг, янга, ҳорманг! Бу Пулатхўжа акам мени меҳмонга келишимни тушларида ёки фол очиб билсалар керак-да! Йўқса, мени қишлоққа айнан бугун келишимни қаёқдан билар эдилар. Бу дейман, акамнинг ўзлари кўринмайди. Ёки яна қимиз-пимиз ичгани кетдиларми?!.

— Эй, Ғафуржон, қайним, ана шундай долзарб кунларда акангиз вақтларини беҳуда ўтказармидилар. Ҳатто бир пиёла чой ҳам ичмасдан каллайи саҳардан далага кетган эдилар. Ҳадемай келиб қолсалар керак.

— Пулатхўжа акам кўлхўз тузиб, унга раис бўлганларидан бери ижодни кам қилаётганга ўхшайдилар. «Муштум» ва «Қизил Узбекистон»да камроқ кўринмоқда.

— Ҳа, акангиз Тошкентдан қайтгач, кўлхўз тузиб, унга раис бўлганларидан бери хўжалик ишларига берилиб, ёзув-чизув билан камроқ шуғулланмоқдалар.

— Янгажон, рўмолча тўқишга ҳам жуда уста экансиз-ку! Бунинг устига тез ва чиройли тўқидингиз.

Пайзинисо опа эндигина тўқиб бўлган рўмолчани чиройли қилиб тахлаб Ғафур Ғуломга узатар экан: — «Олинг, қайним, бу сизга мендан совға», — дея туҳфа қилдилар.

Ҳа, ўшанда бу совғани Ғафур Ғулом «Раҳмат!» дея қабул қилган эканлар.

ОЛМОСХОННИНГ ДУГОНАСИМИСАН?

(Пулатхўжа Сиддиқхўжа ўғли Сувчининг қизи Мунисхон ая ҳикояси).

Ғафур Ғулом 1931 йилнинг бутун ёз фаслида, бизнинг Хонимтепа баландлиги ёнидаги эски уйда истиқомат қилганди. У киши табиатан қувноқ, дилкаш инсон эди. Айниқса, Ғафур амаким ёш болаларни жуда яхши кўрарди. Мен ўша кезларда 3-4 ёшли қизалоқ эдим. Ғафур амаким билан бўлган кўплаб учрашув ва суҳбатларнинг айримлари хотирамда.

Кейинчалик мен Ғафур амаким билан 1954 йилнинг жазирама ёзида учрашдим. Ушанда мен мактабни тугаллаб Тошкентдаги педагогика билим юртига ўқишга кириш учун борган эдим. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, синов комиссиясидан эса ўта олмай, Ғафур амакимнинг Беш-ёғочдаги уйига бордим. Мени ўзлари илиқ кутиб олдилар. Аввалига мени танимадилар шекилли, шинамгина хонага таклиф қила туриб, «Сен Олмосхоннинг дугонасимисан?» — дея сўрадилар. Мен эса «Йўқ, дўстингиз Пулатхўжа Сиддиқхўжа ўғли — Сувчининг қизи Мунисхон бўламан», — дедим.

— Э, кавардонлик Пулатхўжа аканинг қизиман дегин, бўлди-бўлди, танидим... Яқиндагина кичкина қизалоқ эдинг-а... Эҳ аттанг, Пулатхўжа ака иғвогарларнинг туҳматига дучор бўлмаганларида ҳозир орамизда бўлган буларди, — дея Ғафур амаки бош чайқадилар.

Ўша куни амаким мени етаклаганча педагогика билим юртига олиб келиб: — «Бу қишлоқдан пахта териб келган қиз, у албатта шу ерда ўқиши керак», — дея, мени ўқишга жойлаб қўйдилар.

Ғафур амакимнинг ана шу ёрдами билан мен педагог бўлиб етишдим, ёш авлодга 30 йилдан ошиқ таълим-тарбия бердим.

СЎНГГИ ТАШРИФ

Домла Ғафур Ғулом билан ҳамқишлоқларимиз сўнгги маротаба 1964 йилнинг ёзида Кавардонда учрашган эканлар. Ушанда домла Ғафур Ғулом ўзи билан бирга домла Ойбек, адабиётшунос олим Ҳомил Ёқубовларни ҳам олиб келган экан. Улар ўша куни Кавардон қишлоғидан ўтувчи Қорақалпоқ анҳори ёнидаги чойхонада шеърият кечаси ўтказишиб, ўзларининг янги ёзган шеърларидан ўқиб беришибди. Ушанда домла Ғафур Ғулом ўзининг «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» деган шеърини ўқиб берган экан:

...Шеър ўқийлик Лутфийдан, Навоийдан,
Бедил, Фурқат, Пушкин ила Жомийдан.
Кейин қолмай замона айёмидан,
Дил ёрисин мисралар илҳомидан.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим...

Кечга яқин домла Ғафур Ғулом қаламкаш дўстлари билан қишлоқнинг тор кўчаларидан аста ортга қайтар эканлар, қишлоқ узра шоиримизнинг қуйидаги сатрлари жаранглар эди:

...Кекса шоир тилидан овозимиз,
Шундай ўтсин ҳар баҳору ёзимиз.
Кўп кўринсин сизга қўйган озимиз,
Дўстлар учун жонимиз ниёзимиз.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим.

Кавардонликлар домла Ғафур Ғулом билан қишлоқда сўнгги бор учрашаётганликларини ва унинг хушчақчақ чеҳрасини бошқа такрор кўрмасликларини хаёлига келтирмаган эдилар.

Орадан ропца-роса икки йил ўтгандан сўнг, радио машъум хабарни эълон қилганда, юзлаб китобхонлар сингари кавардонликларнинг ҳам вужуди ларзага тушганди...

Юқоридаги ҳикояларни тинглаб марҳум Мансур бобомизнинг сўзлари қулоқларимиз остида яна бир бор такрор янграйди:

«Узимизнинг Ғофуржонними...?»

Ҳа, Ғафур Ғулом биз кавардонликларнинг ўз Ғафур Ғуломимиз эканлигига имон келтирдик.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Латифжон МАНСУРОВ.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ДЕГАНИ НИМА ЎЗИ?

—Кейинги пайтларда «Қимматли қоғозлар» деган ибора қулоғимизга тез-тез чалинадиган бўлиб қолди. Хусусан, юртбошимизнинг нутқларида қимматли қоғозларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳурматли редакция! Илтимос, қимматли қоғозларнинг ўзи нима? Шу ҳақда тушунтириш берсангиз.

Сувонқул БОЙБЎСИНОВ,
Иштихон тумани.

— Ҳозир бизнинг жамиятимиз бозор муносабатларига ўтяпти. Қимматли қоғозлар эса бозор иқтисодиётининг муҳим унсурлари ҳисобланади. Акция, облигация, сертификат, вексель, чек, лотерея билети ва бошқалар ана шундай элемент, яъни унсурлардир. Ҳозирги пайтда бозорни, олди-сотдини қимматли қоғозларсиз тасаввур қилиш қийин. Улар тижорат маблағи бўлиб, ўз эгасига маълум миқдорда даромад ҳам келтиради.

Қимматли қоғоз аслида мулкка эгалик қилишнинг бир кўринишидир. Шундай унсурга эга бўлган кишилар мулкдор саналади. Зеро, корхонада чиқарилган акция ёки векселни сотиб олган ҳиссадорлар корхонани бошқариш жараёнига фаолроқ аралашадилар. Чунки, улар оладиган даромад — дивиденд корхонанинг қандай ишлашига, у эришадиган ютуқларга боғлиқдир.

Қимматли қоғозлар — акция, вексель, облигация, чек ва бошқалар сотиладиган ва олинадиган жой қимматли қоғозлар бозори дейилади. Бу бозор амалда фонд биржалари, ким ошди савдоси ўтказиладиган акционерлар ва банклардан иборат. Бу бозорда сотувчилар ва харидорлар ўртасида даллол (брокер)лар воситачилик қиладилар.

Қимматли қоғозларнинг, айтайлик вексель ёки акциянинг номинал қиймати бўлади. Масалан, 100 сўм, 500 сўм, 1000 сўм. Уларнинг бозор нархи шароитга қараб ўзгариб туриши мумкин. Талаб ва таклиф билан белгиланадиган бундай нарх одатда уч омилга боғлиқ бўлади.

Булар: 1. Акциянинг номинал қиймати. 2. Дивиденд (даромад) даражаси. 3. Банкнинг фоиз даражасидир. Масалан: 100 сўмлик акциянинг дивиденд даражаси 10 фоиз, банк проценти 5 фоиз бўлса, унинг бозор нархи 200 сўм бўлади.

Мамлакатимизда давом этаётган иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида қимматли қоғозларнинг турли хиллари чиқарилмоқда ва уларнинг эркин ҳаракат қилиши кучайиб бормоқда.

Бу эса Ўзбекистон иқтисодининг юксалишига имкон беради.

СОЧ ҲАҚИДА КИМ ҚАНДАЙ ЁЗИШИ МУМКИН?

Абдулла ОРИПОВ:

Баъзида дунёнинг ишлари қизиқ,
Буни ким ҳам ўйлаб кўрипти.
— Сочи узунларда ақл кам эмиш,—
Нодон эр қизишиб шунақа депти.
Бу гапдан хотиннинг аччиғи чиқиб,
Эртасига сочин кестириб кепти.

Рауф ПАРФИ:

Юрагимда оппоқ ҳаяжон,
Бошда эса қоп-қора ҳижрон.
Турмакланган икки дарёга,
Ҳайрон боқар думалоқ мужгон.

Эркин ВОҲИДОВ:

Матмусавой эчкисин
Сартарошга обборди.
Деди: — Сочин обкўйинг,
Келинингиз юборди.

Анвар ОБИДЖОН:

Аё Гулмат, бу не ҳолат,
бўлуб ҳайрона турғайман,
Силаб бўлмайди сочларни—
буёқлардин қотиб қолғон.

—Сочингга ҳавас қиламан, дугонажон!...

Усмон АЗИМОВ:

Ҳой,
Талаба!
Тушунгин, ахир,
Қиз бола ҳам сочсиз бўлама?!
Ҳандалакдай калланга қараб
Энди шоир кўнгли тўлама?
Бекор қипсан сочни олдириб...

Ўткир САИДОВ:

Соч ҳақида шеър ёзиб,
Узин сочи соб бўлди.
Менга маза: бу ҳолат
Пародиябоп бўлди.

Қамбар ЎТАЕВ:

Соч деганни аслида
Арслон осиб юради.
Кокил битса эчкига
Кўзи қандай кўради?
Соч деганни, болалар,
Дуч келганга бермайди.
Чунки баъзи ҳайвонлар
Бошин ювиб турмайди.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ:

Оқ демагин, сочларнинг
оқаргани яхшидур,
Шоирларнинг ёшидан
кексаргани яхшидур.

Зулфия МЎМИНОВА:

Узун-узун сочларим
Мени ташлаб кетдилар.
Силадилар, кесдилар
Ниятига етдилар...
Оҳ, Нарпайдек сочларим,
Менинг ҳазин оҳларим.

Фармон ТОШЕВ.

СИЁСИЙ ЛАТИФАЛАР

Черненко ўлимидан олдин нариги дунёга Брежневга телефон қилди.

— Бирон нарса олайми кан? У ёқда нима танқис?

— Бу ерда ҳамма нарса етарли. Худди коммунизмдагидек. Лекин... Ҳар ҳолда, ўртоқ Черненко, қошиқ билан санчқи олиб олсанг ёмон бўлмасди.

— Унда ҳамма нарса етарли, деганингиз нимаси, Леонид Ильич? Ҳатто қошиқ бўлмаса...

— Қошиқ кўп. Лекин ошхонада Гитлер навбатчилик қилганида ўртоқ Сталинни ва мени Урок-Болга билан овқатланишга мажбур қиляпти-да...

* * *

Брежнев СССРда қанча одам борлигини билмоқчи бўлиб қолди. Ҳаммани бир қаторга тизиб, тартиб билан ҳисоб-китоб қилишга тушди; биринчи, биринчининг муовини, биринчининг шахсий котиби, биринчининг шахсий шофёри, биринчининг шахсий қоровули, биринчининг шахсий таниш аёли; иккинчи, иккинчининг шахсий ҳаммом ходими, иккинчининг шахсий мактабдош дўсти; учинчи... Энг охирида турган одамга навбат келди.

— Сен кимсан? — деб сўради Брежнев.

— Ишчиман.

— Ўртоқ миллионер! Зудлик билан мана бу ишчи қандай қилиб одамлар орасига тушиб қолганини аниқланг!..

* * *

Брежневнинг хонадонида оилавий жанжал чиқади.

— Тунқасан, Леонид Ильич!

— Ҳа, биз коммунистлар ҳаммамиз зуваласи пишиқ одамлармиз!

* * *

Сталин тирилиб, Масковни кеза бошлади. Булар менсиз ҳаддидан ошиб кетишибди, деб ўйлади у, мамлакатнинг аҳволи оғир, бу туришда коммунизм қуриб бўлмайди. Биринчи галда тартиб ўрнатиш керак. Шу мақсадда Кремлга кирди. Сиёсий бюро мажлиси кетаётган экан.

Сиёсий бюро аъзолари Сталинни кўришлари билан ўринларидан туриб, унга жой беришди: — «Амрингизга мунтазирмиз».

Сталин чилимни тортиб олиб, гап бошлади:

— Демак бундай: биринчи галда минтақалараро депутатлар гуруҳи аъзоларини отиб ташлаш керак. Иккинчидан, Мавзолейни яшил рангга бўяш керак.

Шу ерда Лигачёв ўрнидан туриб, савол берди:

— Иосиф Виссарионович, нега яшил рангга деяпсиз?

— Биринчи масала бўйича савол тушмаслигини билардим, — деди Сталин.

* * *

Жуков Сталиннинг кабинетига кирди.

— Хўш, ўртоқ Жуков, нима гап?

— Ҳужумни ғарбий йўналишда бошлаш керак, деб ўйлайман, ўртоқ Сталин.

— Чиқинг-да, бу фикрингизни яна бир ўйлаб келинг.

Жуков кабинетдан чиқиб, ичида Сталинни «Чучқа» деб сўкиб юборди. Қабулхонада ўтирган бир генерал Жуковнинг бу сўкувини илғаб қолди ва Сталиннинг олдига кириб: — «Жуков сизни чучқа деб ҳақоратлади», деди.

Сталин Жуковни чақиртирди.

— Георгий Константинович, боя ҳузуримдан чиқаётиб, ичингизда «чучқа» деб қўйдингиз чоғи. Кимни назарда тутган эдингиз?

— Кимни бўларди, Гитлерни-да, ўртоқ Сталин.

— Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Сиз кимни назарда тутган эдингиз, ўртоқ генерал?

* * *

Нариги дунёда Брежнев билан Черненко учрашиб қолишди.

— Ҳозир Масковда ҳукмдор ким, биласанми? — сўради Брежнев Черненкодан.

— Миша Горбачёв.

— Уни ким суяб юрибди?

— Ҳеч ким. Унинг ўзи юради.

* * *

Брежнев одамлар мен тўғримда қандай фикрда экан деб, билгиси келиб қолди.

Қизил майдонда байрам, намойиш борар, ҳамма Леонид Ильичнинг суратларини кўтариб олган эди.

Брежнев намойишчилардан бирининг ёнига бориб, оёғини босди, у одам Саркотибга жаҳл билан қаради-ю, ҳеч нарса демай кетаверди. Шунда Брежнев айланиб ўтиб, иккинчисининг оёғини босди. Ҳалиги одамнинг жаҳли чиқиб кетди: — «Кўзингга қараб юр, бўлмаса манови қоровулнинг сурати билан бошингга бир соламан, онангни кўрасан!»

* * *

Сиёсий бюро аъзоси вилоят марказига келиб, райкўмларнинг биринчи котибларини йиғади.

— Ўртоқлар, Сиёсий бюронинг сўнгги қарори бўйича фикрларингиз қалай? Сиз, ўртоқ, қаердансиз?

— Задрючиндан.

— Сизнинг фикрингиз?

— Нима, бирон-бир йиғилиш бўлганмиди?

— (Жаҳли чиқиб): Қанақа одамсиз ўзи? Мамлакатда шаҳдам одимлар билан қайта қуриш кетяпти!

— Нима қайта қуриляпти?

— Апрель пленумининг тарихий қарорлари билан таниш эмасмисиз деяман?

— Иў-ў...

— Эҳ, аслида ҳаммасига тупириб, Задрючинга кетиш керак экан-да ўзи!

* * *

Брежнев Сиёсий бюро йиғилишида гапиряпти:

— Ўртоқлар! Сиёсий бюро аъзолари орасида паришонхотирлик кучайиб кетяпти. Кеча ўртоқ... ўртоқ... (Дарвоқе, ўзи қани?) Хуллас, ушанинг дафн маросимида музика чалинганида мендан бошқа биронта одам аёлларни рақсга таклиф қилмади...

* * *

Томдан ғишт тушиб, кўчадан ўтиб кетаётган одамнинг бошини ёрди. Бир зумда одам йиғилди. Ҳамма ғазабланган:

— Буни қаранглар-а! Энди томдан ғишт тушиб, одамларнинг бошини ёриш бошланди. Кўчада юриб бўлмай қолди ўзи!

Тўпланганлардан бири жабрдийданинг устига энгашиб, қичқириб юборди:

— И-и, ўртоқлар, ахир, бу киши аппаратдан-ку!

Ҳамма бир бўлиб қичқирди:

— Буни қаранглар-а! Аппарат одамлари шу қадар кўпайиб кетдики, ғишт тушадиган ҳоли жой ҳам қолмади-я!

(Чет эл оммавий ахборот воситаларидан таржима).

• ЭЪЛОН

«Гелюс» фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 24-56-53 телефони бўйича қабул қилинади.

● 20 февраль — Ийд Рамазон

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм!
Худога шукурки, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шарофати билан мусулмон оламининг икки буюк айёми — Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунлари юртбошимизнинг муборак фармонлари билан дам олиш куни деб эълон қилинди.

Бу улуғ ва барокотли, фазилатли кунлар ҳақида эркин-эмин сўзлайдиган, яйраб байрам қиладиган бўлдик. Поклик ва саҳоватлик Рамазон ийдини яхши англаб, унинг Аллоҳ ҳамда Расули Акрам буюрган арконларини билиб бажарилиши катта савобдир, инсонга руҳий мададдир.

Расули Акрам саллолоҳу алайҳи вассалламдан Имом Муслим шундай ривоят қиладилар: «Ҳар қачон ҳайит кунини кўрсангиз Қиёмат кунини эсга туширинг. Чунки Аллоҳнинг ҳузурига бу дунёда яхши амал қилган шахслар, юзлари ёруғ, чеҳралари очиқ, бошларида тожу-муросаъ бикин малоикалар йўл бошлаб келувчи инсонларни кўриб, кўзлари қувонганидан бу шахслар қайси Пайғамбарлар деб нидо чиқади.

Ҳаёти дунёда Аллоҳнинг буйруқларига итоат этиб мукаммал амал қилган сарвари коинот Муҳаммад Мустафо саллолоҳу алайҳи вассалламнинг хос умматларидир». Бундай юксак баҳога Аллоҳ берган неъматларига сабр қаноат билан шукр қилган, ҳар йилги рўзаларини қолдирмай тутган бандалар мушарраф бўладилар.

Улар юз минг баробар зиёд иззат-икромлар билан Мейзон (гуноҳ ва савоб) тортиладиган жойга келадилар. Мабодо торозудаги савоблари камроқ бўлса, Ҳақ субҳоноҳу ва таоло томонидан нидо қилинадики, бандам менинг учун Рўза тутган, савобини мен берурман деб. Сўнг торозуга тушган савоб оғирлик қилиб банда жаннатга йўл олади.

Рамазони Шариф ойида Аллоҳ ва фариштлар рўзадор солиҳ бандасига фазилатлардан, тоат-ибодатликни, тинчлик, поклик, ҳалоллик, ростгўйлик, хушмуомалалик, саҳийлик, очиқ чеҳралик, меҳнат, элюртга муҳаббат, қаноат, инсонийлик, илм, вафодорлик каби хислатларни мужассамлантиради. Соғлом, иймон-эътиқодли қилади. Бу муборак ойда иншооллоҳ гуноҳлар ювилиб, тавба ва дуолар қабул бўлади.

Ҳайит номозига чиқишнинг ҳам ўз йўллари — фарз, суннатлари бор.

Ҳайит номозига, Ҳақ субҳоноҳу ва таолонинг улуғ номозгоҳига отланганлар, аввало тозаликка, покликка

риоя қилишлари лозим. Қуръони каримда шундай оят бор: «Парвардигор ҳар қандай гуноҳ, чиркинлардан покдир. Покиза бандасини яхши кўради. Ювиниб, тозаланиб, танадаги нопок қиладиган ҳаром тукларини олиб, тоза, янги кийимлар кийиб, агар янги кийимлари бўлмаса ювдириб, тоза бўлиб, хушбўйланиб, Аллоҳнинг ҳузурига бораётирман деб дилини пок қилиб бориш керак». Аллоҳ яна таълим бериб, уқтиради: «Мўминлар шак-шубҳасиз ака-укалардир. Бас, сизлар икки ака-укаларингизни уйлаб ёрдам бериб қуйинглар! Аллоҳдан доим қўрқинглар, шояд ул зот томонидан бўладиган раҳматга эришсаларингиз!» Оятдан хулоса шуки, инсон фарзандлари бир-бирига меҳру шафқатлик, муҳаббату оқибатлик мурувввату саҳоватлик бўлишлари лозим. Ҳайит куни саҳоватларга амал қилган кишиларда чин мўмин ва мусулмонлик фазилатлари намоён бўлади.

Ҳайит намози арафасида ўзига қодир ҳар бир шахс дастлаб меҳрибон, меҳри дарё фарзандим деб чарчоқ билмай меҳр билан кўтариб, туғилишда ўлим билан олишган онаизорни, кеча ва кундуз демай, совуқ-иссиқни писанд қилмай,фарзандим бировларга муҳтож бўлмасин деб озиқ-овқат, кийим-бош муҳайё қилиб берган меҳрибон отасини кўриб, янги либослар, ўзларига хос ашёлар билан зиёрат қилиб дуоларини олиши, агар ота юришга қодир бўлмаса, отани опичлаб намозга олиб бориши буюрилади.

Инсон фарзандлари, агар қодир бўлсалар қариндош-уруғларидан камбағаллари, аҳли аёллари, маҳалладошлари дилларини хурсанд қиладиган совғалар қилишлари таъкидланади. Айни вақтда биронта қариндош — уруғи, қўшнилари, ошна-оғайнилари билан хафалашиб, аразлашиб юрган бўлсалар, уларга бориб, — мени кечиринг, улуғ айём кунлари ҳурматидан, мен сиздан хафа эмасман, сиз рози бўлинг, демоқликлари керак. Иккалалари бирбирларини кечиришиб, ҳайит намозига борсалар беадад савоблар ёзилади. Рамазон ҳайитига чиқиш фарз.

Рамазон ҳайити номозига борувчилар бир неча луқма таомларни еб оғизларини очиб бормоқлари лозим.

Мазкур амалларни бажариб, ҳайит намозларини ўқиб қайтган инсонларга субҳаноҳу ва таоло беадад савоб ҳасанотлар ёзади. Гуноҳларини кечиб, онадан янги туғилгандек бегуноҳ гўдаклардай уйларига қайтаради.

Муборак ҳайит намози маросимини бажариб қайтгандан сўнг, аввало ота-она ҳузурларида бўлиб, дуоларини олинглар, сўнгра ўз ишларингиз билан машғул бўлинглар. Аҳли аёлларингиз, фарзандларингизни хурсанд қиладиган амалларни қилинглар, деб буюрилган.

Вақт, имконият бўлса қариндош-уруғларининг уйларига бориб зиёрат қилишлик лозимдир.

Шу улуғ айём кунлари, қўлингиздан бирор нарса бера олмаган ёки зиёрат қила олмаган тақдирда ёмонлик қилмаслик, бировга озор бермаслик ҳам савобдир.

Рамазони Шариф ойининг муборак ҳайит кунлари барчаларингизга муборак бўлсин!

Авазхон ҳожи ҲАЙДАРОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг ходими.

● Танлов

ЭНГ ЯХШИ БАНК ХОДИМИ

Ҳозирги даврда банк ходими қандай бўлиши керак? У қандай фазилатларга эга бўлиши лозим?

Ўзбекистон Марказий банкининг Андижон вилоят бўлими танлов ташкил қилиб, шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилди. Танловда Андижон вилоятида фаолият олиб бораётган 14 та банк ва республика банклари филиалларидан еттитасидан вакиллар иштирок этди. Танлов иштирокчилари молия фаолияти муаммолари билан боғлиқ саволларга жавоб беришлари, ўз билимларини ҳамда Республика Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорларини, банк тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни қандай тушунишларини кўрсатишлари лозим эди.

«Узсавдогарбанк» Андижон бўлими ходимлари биринчи ўринни олишди. Уларга бош соврин — «Самсунг» рангли телевизори тантанали вазиятда топширилди.

«Ғаллабанк» ва «Ўзмевасабзавотбанк» вилоят филиалларининг ходимлари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Тадбир ташкилотчилари ва иштирокчилари танловни ҳар йили мунтазам ўтказишга ва унга Фарғона водийсидаги бошқа вилоятлар банк ходимларини ҳам жалб этишга қарор қилдилар.

Карим НИЗОМОВ.

Ойнаи жаҳонда
19 — 25 февраль



ДУШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 30-қисм.
9.25 «Саёҳатнома». «Италия таассуротлари». 4-кўрсатув.
9.50 «Ўсмир ва қонун».
10.10 «Табобат мўъжизалари». Тележурнал.
10.55 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Исмоилова.
11.55—12.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 1. «Ватанни севмоқ иймондандир...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 II. Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 III. «Ватанни севмоқ иймондандир...» туркум кўрсатувининг давоми.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.35 Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев куйлайди.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Мўъжиза». Дэвид Копперфильд.
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Курьер».
21.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 ТВ II намойиш этади.
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.45—23.45 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ғилон», «Серсоқол одам». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20—21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.40 «Ҳордиқ маскани». Телефильм.

IV

17.05 «Қўзмунчоқ». Болалар учун кўрсатув.
17.40 «Юлдузлар жилоси» (такрор.).
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Таҳлил». Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.
20.15 «Янги иқтисод».
20.50 «Сирдошим».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Спорт-тайм».
22.00 «5+1».
22.30 — 22.50 «Иқтисодимиз таянчи».

СЕШАНБА, 20

ИЙД РАМАЗОН МУБОРАК!

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Ийд Рамазон қўшиқлари.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Соғлом авлод учун».
9.55 «Гулгунчалар». Болалар учун концерт.
10.15 «Ухшаш чеҳралар». Дам олиш дастури.
11.10 Уйғун. «Парвона». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.50—13.25 Ийд Рамазон қўшиқлари (давоми).
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Шукрона». Публицистик кўрсатув.
18.35 «Чорвачилик истиқболи». Голштейн Фриз наслли моллари Ўзбекистонда.
18.55 Саида Зуннунова. «Меҳр». Теленовелла.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Мусиқий учрашув». Тожибар Азизова куйлайди.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Маърифатнома». Кўрсатувни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси Шарофиддин Мирмаҳмудов олиб боради.
21.30 Олтин мерос. «Ушшоқ».
22.30 «Бўстон». Тележурнал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.20 Чустий. «Индамаслар олами». Адабий-мусиқий композиция.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Бизнес-уик».
20.05 «Мусиқий йўлка».
20.15 «АРТ — журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Видеогид».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.35 «Кинонигоҳ».
23.15—00.15 «Спорт-қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қувноқ сайр». Фильм-концерт.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
***
18.20 — 21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

IV

17.05 «Нақшингиз хумориман». Телеочерк.
17.40 «Мусиқий Ўзбекистон».
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мулькарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.10 Эълонлар.
22.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.05—23.55 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Маърифатнома».
9.05 Олтин мерос. «Ушшоқ».
10.05 «Ёшлик» студияси. «Хазина».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Тасвирий санъат.
11.00 Немис тили.
11.30 Кимё.
*
12.00 «Мен туғилган тупроқ». Чўпон Алижон Раҳимов. Телеочерк.
12.30—13.30 «Бешинчи довон». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи». Тележурнал.
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.35 Миллионлар минбари. «Раҳбар бўлиш осонми?»
22.15 «Сарви гуландомимга айт». Мусиқий дастур.
23.15 «Сулола». Манзарали фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.20 «Жаҳон киноси юлдузлари». Омар Шариф.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер—Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «Спорт-қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўзбекистон дея аталур», «Уйимизга марҳамат». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
***
18.20—21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.45 «Олатов жилолари». Телефильм.

IV

17.05 «Узингиз ҳақингизда сўзлаб беринг».
17.35 «Дарсга қўнғироқ». 166-иқтисодий лицей ҳақида ҳикоя.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Уй остонадан бошланади».
20.40 «Ёдингдами, ўрток?». Урущ фахрийлари хотиралари.
20.55 «Шаҳарликлар».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Британия кундалиги».
22.30 «Тошкент оқшомида».
23.30 — 00.05 «Ассалом, Франция!»

ПАЙШАНБА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Сарви гуландомимга айт». Мусиқий дастур.
9.30 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.50 «Ватанпарвар». «Шижоатли ёшлар».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Умумий биология.
11.00 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
11.30 Алифбо сабоқлари.
*
12.00—13.00 «Анъана ва замон». Умр қўшиғи.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Барака ёмғири». Мультфильм.
18.20 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
18.50 «Мушоҳада учун мавзу». Чорвачилигимиз муаммолари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Юзма-юз».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Мулкдор». «Парвина»нинг парвози». Телеочерк.
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров куйлайди.
22.00 «Ҳаёт синовлари». Публицистик кўрсатув.
22.35 «Кино, кино, кино...»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.25 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Автосалон».
20.10 «Хай Фай» («Юқори сифат»).
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Сизнинг услуб».
21.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35—00.35 «Спорт-қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хива гиламлари», «Ватанга қайтган хазина». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
***
18.20—21.40
*
21.40 «Томдаги автомобиль». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевидениеси
23.00—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30—23.50 «Хотирадаги шаршара», «Спортнинг ажиб тури». Телефильмлар.

IV

17.05 «Орол қўриқхонаси». Телефильм.
17.20 «Подиум».
17.40 «Замин саховати».
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.50 Эълонлар.
21.55 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
22.35 — 23.25 «Кинематограф».

ЖУМА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров куйлайди.
9.05 Маматқул Ҳазратқулов. «Меҳр кўп кўргаздим...» Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
*
12.00 «Икки эшик ораси». Публицистик кўрсатув.
12.30 — 14.30 «Маърифат» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қочоқ велосипед». Мультфильм.
18.20 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳловчилар давраси.
18.55 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ҳаёт ва қонун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ислоҳот ва масъулият». Техника таъминотидаги изланишлар.
21.35 «Ҳофизлар хониш қилганда».
22.10 «Пушаймон». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.25 Экран қўшиқлари.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ривоят».
18.20 «Офарин».
18.50 «Муаллиф».
19.00 «RAKS» қўшиқлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Репортаж».
20.10 «Эртага — шанба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Мафтункор чеҳралар».
21.20 «Таманно».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 — 23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Чотқол тизмаларида», «Тоғлар чорлайди». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
***
18.20—21.40
*
21.40 «Борса келмас». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевидениеси
23.00—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30—23.50 «Гўзаллик улашиб», «Бедана». Телефильмлар.

IV

17.05 «Рангинкамон» (тожик тилида).
17.45 «Экология ва ҳаёт». Тошкент ва Тошкент вилояти экологияси ҳақида кўрсатув.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
20.30 «Билиб қўйган яхши».
20.55 «Бизнес-академия».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Офарин-96». Фестиваль якунлари.
22.30 — 23.05 «Истеъдодлар ва муҳлислар».

ШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Жаҳонгашта қўғирчоқлар». Республика қўғирчоқ театри ижодкорлари Туркия ва Америка сафарида.
9.05 «Халқ ижодиёти».
9.35 «Китоб ва ҳаёт». Тележурнал.
10.10 «Ўсмирлар коинотда». Бадиий фильм.
11.25 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
12.25 «Тараннум». Мусиқий дастур.
12.55 «Ким топди?»
13.30—15.30 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бир чол ёмғир олдига боргани». Мультфильм.
18.10 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
19.05 «Алпомиш авлодлари». Спорт кўрсатуви.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Мусиқий дастур.
21.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.20 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.40 «Компьютер-Осиё».
10.15 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
11.05 «Автосалон».
11.25 «Сизнинг услуб».
11.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».
12.05—13.45 «Кинонигоҳ».
***
18.00 «Совға».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Ишингиз бароридан келсин!»
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Кўнгил». Дилшод Шамсининг муаллифлик кўрсатуви.
21.30 Видео янгиликлари.
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 — 23.50 Видео— «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Кўпкари — эркаклар ўйини», «Жилолар». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20—21.40
*
21.40 «Суюнчи». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевидениеси
23.00—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.45 «Жонли сайёра».

IV

10.00 «Умид» (уйғур тилида).
10.40 Эълонлар.
10.45 «Акмалнинг саргузаштлари». Болалар учун фильм. 1-серия.
11.50 — 12.30 «Айчурек» (қирғиз тилида).
***
17.05 «Фирибгарлар найранги». Бадиий фильм. 1-серия.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиеҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45 «Янги технология дўкони» (янги компьютер технологияси ҳақида).
23.05 — 23.55 «Кинематограф».

ЯКШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Томошабин мактублари».
11.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
12.40 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
13.40 — 15.40 «Нурли келажак». Ўсмирлар учун видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз», Кичкинтойлар телемусобақаси.
Ёшлар ва спорт кўрсатувлари ижодий дирекцияси намойиш этади:
18.35 «Замон».
18.50 Спорт хабарномаси.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Италия таассуротлари». 5-кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Ёшлик» бахсга чорлайди: «Менга сўз беринг!».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00—00.40 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дастур.

II

9.00 «Ривоят».
9.05 «Офарин».
9.45 «RAKS» қўшиқлари.
10.10 «Мафтункор чеҳралар».
10.35 «Таманно».
11.30 «Оҳанглар оғушида».
11.35 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
12.20 «Имкон чўққилари».
12.40 «Кўнгил».
13.15 Видео янгиликлари.
13.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
13.55 — 15.35 Видео — «О».
***
18.00 «Келгуси ҳафтада».
18.10 Эълонлар.
18.15 Болалар учун. «LEGO» сайёраси.
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Илҳом сатрлари».
21.10 «Фармед».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.30 «Шахс ва баҳс».
21.50 «Даракчи».
22.00 «Келгуси ҳафтада».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 24.00 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Баҳодир». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20—22.50
*
22.50 «Манзара». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
23.00—23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25—23.50 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 «Менинг кучам».
12.30 Эълонлар.
12.35 «Жонли сайёра».
12.55 — 13.20 «Ёшлик учун дастхат».
***
17.10 «Фирибгарлар найранги». Бадиий фильм. 2-серия.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиеҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 «Сенинг вақтинг».
21.40 «Чинсэн».
22.05 «Бу ажиб дунё».
22.50 — 23.40 «Кинематограф».

● Муқаддас қадамжолар

Нақшбандийлик тариқатининг асосчиси бўлган Сайд Муҳаммад ибн Жалолиддин 1318 йилда Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувонда туғилган. Нақшбандлик касби билан шуғулланганн учун Нақшбандий тахаллусини олган.

У Хожаи Бузрук, Шоҳи Нақшбанд Баҳовуддин номлари билан Мағрибу Машриқда кенг танилган. 1389 йили вафот қилганидан сўнг унинг қабри зиёратгоҳга айланган. 1544-45 йилларда қурилган мақбара атрофида масжид, ҳовуз, қудуқ, минора, дарвозахона вужудга келган. Кейинги йилларда Баҳовуддин Нақшбанд мақбарасини таъмирлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, бу қадамжони талоф қилгани бутун дунёдан одамлар келмоқда.

Суратларда: Баҳовуддин Нақшбанд мақбарасининг ташқи ва ички кўринишлари. Ўртада Нақшбанд масжидининг дин уламолари.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

● Биласизми?

РАНГЛАР ҲАҚИДА

● **Яшил ранг.** Бу рангни севувчилар жуда ҳиссиётли, нозик дилли, табиатни яхши кўрувчи, эркин ва озода бўлишни севувчи, ишқ бобида вафодор ва ишончга лойиқ кишилардир.

● **Қизил ранг.** Бу рангни севувчи кишилар қизиққон, ҳаракатчан, тезда бир қарорга келувчи, жаҳли тез, ҳар бир ишга аралашиб, можаро чиқаришни яхши кўрувчи кишилардир.

● **Сариқ ранг.** Бу рангни ёқтирадиган одамлар тушунган, равшан фикрли кишилардир. Улар ҳаёлга берилувчан, меланхолик, вафодор, ҳасадчи, афсонага айланиш даражасида севишга уринувчи бўладилар.

● **Кўк ранг.** Бу рангни ёқтирувчилар ички оламдан кўра ташқи оламни, ички гўзалликдан кўра ташқи гўзалликни севувчи бўладилар. Улар ақлли-ҳушли, қатъиятли, ишқда вафодор,бир ишни қилишга аҳд қилсалар, қилганларидан кейин афсус чекмайдиган кишилардир.

● **Бинафша ранг.** Бу рангни ёқтирувчилар иззатталаб, ҳаммадан кучли бўлишни истовчи, мижози доим ўзгариб турувчи, ҳаёти доимо ғалаёндан иборат бўлган одамлардир.

● **Оқ ранг.** Бу рангни севувчилар покиза, масъул кишилардир. Бошқаларга нисбатан мулойим, совуққон, ҳиссиёти эса камроқ бўлади.

Шамсиддин ДУНАСАРИЙ.

ОДАМНИ БИЛИШ ИЛМИ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

● Кўз катта ва хира бўлса, уятсиз ва зинокор бўлади.

● Кўз кичик ва хира бўлса, очкўз ва молпараст бўлади.

● Кўз тим қора бўлса, бадгумон ва қўрқоқликдан белгидир.

● Кўз беҳаракат бўлса, заиф, жоҳил ва танбалдир.

● Кўз аланглаб турса, зино ва шаҳватпарастликдан белгидир.

● Кўз мовий бўлса, бешарм, бевафо, эътиқоди ва иймони сустлиги далилидир.

● Кўз йирик қизил бўлса, у мовийранг кўзга яқиндир.

● Кўз хас тушгандай қимирлаб турса, у киши зиною лаззатга берилган, шаҳватпараст бўлади.

● Кўз мовий-сарғиш ва ёшсиз бўлса, ундай киши ёмонлик ва қабиҳликка одат қилган бўлади.

● Кўз катта (залворли) бўлса, билим ва зийракликк етишмаслигига далил бўлади.

● Кўз ёшланмайдиган (ва бенур) бўлса, ундай киши одамлар қонини тўкишга шай бўлади.

● Кичик тор кўз олдга туртиб чиққан бўлса, зийрак, қабиҳ сўзлик бўлади.

● Кўз ўйнаб тургувчи, кичик бўлса, ҳийлагар ва итфеъл бўлади.

● Кўз тор бўлса, кишининг бадфеъл ва зинокорлигидан далолат беради.

● Кўзнинг оқу қораси баробар бўлса, у вафоли, ростгўй ва яхшилик қилгувчидир.

● Агар кўзнинг ҳеч шуъласи (жилоси) бўлмаса, ундай киши одамлар бахтсизлигидан шодланади, улар шон-шавкатнинг завол топишини истагувчидир.

● Агар кўк, қора ё шаҳло кўзда қора нуқталар ила феруза ранг қўшилган бўлса, у кишининг ичи қора, ўзи шаҳватга учдир.

● Агар ўша нуқталарининг қизили доимо кўзга чалиниб турса, у зийрак, ширинсўз, улуғ ишларга мойил, аммо қўрқув ва журъатсизлиги туфайли бундай ишлардан ўзини тийгувчидир.

● Кимнинг кўзи ғоят яхши кўрса, унинг аччиғи тез чиқадир.

● Кимки кулганида кўзида ёш йилтилласа, у яхши хулқ-атвор эгасидир.

● Кимки кўзини тез-тез юмиб очса, у содиқ дўст ва ёмон ишлардан холи кишидир.

● Кимки кўзини оҳиста юмиб очаверса, хиёнатчи, бевафо, аҳдини бузадигандир.

● Кимнинг кўзи жуда ўткир бўлса, у оилапарвар, аммо молга ўч бўлади.

● Кимнинг равшан кўзи ерга қадалиб турса, вужудида аблаҳлик ва зинокорлик бўлмайди.

БОШ

● Кимнинг боши катта бўлса, олийҳиммат ва сал нодонроқлигидан белгидир.

● Кимнинг боши кичкина бўлса, билимдон ва зийракликдан далолатдир.

● Кимнинг боши ўртача бўлса, жасур, ҳушёр ва фаҳмлилигидан даракдир.

● Агар боши ўртасида чуқурчаси бўлса, ул киши жасур ва шижоатлидир.

● Агар чизиқчалар бўлса, ҳар ҳолда мақтовга сазоворлигидан нишонадир.

ПЕШОНА

● Пешонаси кенг, катта бўлса, ундай киши соддароқдир.

● Пешонаси тор бўлса, заиф ва очкўздир.

● Семиз, барвастаю пешонаси ўртача бўлса, жасур ва ҳимматлидир.

ҚУЛОҚ

● Кимнинг қулоғи катта бўлса, тамагир ва пастҳимматли бўлади.

● Қулоғи кичкина бўлса, хиёнаткор ва бадфеъл бўлади.

● Қулоғи ўртача бўлса, зийрак ва жасур бўлади.

● Агар қулоғи патмонанд бўлса, доно ва комил киши бўлади.

● Агар қулоғи узун, ҳам анча юпқа бўлса, ҳасадгўй, рашкка уч бўлади.

● Агар шалпангқулоқ бўлса, нодон ва узоқ умр кўришидан гувоҳлик беради.

БУРУН

● Кимнинг бурни йўғон, дағал бўлса, бу истеҳзо ва масхараомузлиги нишонасидир.

● Бурни узун йўғон бўлса, шижоатли ва кўпқувватли бўлади.

● Бурни ўртача, тўғри бўлса, қўрқмас ва илмсевар бўлади.

● Бурни япалоқ бўлса, чидамли ва бақувват бўлади.

Бурни иккига бўлинган бўлса, кўзи ўткирлигидан далолатдир.

● Аммо бурни кичкина бўлса, ҳаммасидан яхшироқдир.

ЛАБ

● Агар лаби тор, оғзи кенг бўлса, ёмон хислатлилик аломатидир.

● Агар пастки лаби олдига чиқиб турса, соҳибининг тўғрисўз ва соддадиллиги нишонасидир.

(Давоми келгуси сонда).

АДОЛАТ
Adolat
عدالت
justice

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖЎРАБОЕВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Акмал ҚОСИМОВ, Абдурафиқ АҲАДОВ, Алижон ЮСУПОВ, Баҳодир УМИРЗОҚОВ, Жўра ЙЎЛДОШЕВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Нажмиддин КОМИЛОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (масъул котиб), Турғунбой МАДИЁРОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Файзи ШОҲИСМОИЛ (Бош муҳаррир ўринбосари), Чоржау АБДИРОВ, Шуҳрат АЛИМАТОВ.

Телефонлар:
Қабулхона — 33-41-89, 36-55-70
Котибият — 36-57-93
Бўлимлар — 36-56-71
Реклама ва эълонлар — 36-58-44.

Навбатчи муҳаррир — Қ. СОБИРОВ. Навбатчи — Ҳ. ҚОДИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А-2 форматда чоп этилди. Буюртма Г.— 0105.



МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент ГСП Матбуотчилар кўчаси 19.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6